МОЛИЯВИЙ-ИҚТИСОДИЙ ГАЗЕТА

# СОЛИҚ ва БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

1994 йил январдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

№ 5 (1329) ● 2020 йил 4 февраль

ISSN 2010-524X

УШБУ СОНДА

Сув. Солиқ. Ставкалар — 4–5-бетлар

Янги Кодекс бўйича ҳисобот топширамиз — 6-бет

ЯСТ ҳисобланг ва тўланг — 7–12-бетлар

Жорий йилда комитент ва воситачи учун солиқ солиш тартиби — 13-бет

Иқлим ўзгаришлари муаммолари пойтахтимизда муҳокама қилинди — 14–15-бетлар

Божхоначи доим сергак бўлиши керак — 16-бет

## 1 ФЕВРАЛДАН ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР БОР

**Тўловлар индексацияси, спорт соҳасидаги таълим тизими ислоҳотлари ҳамда бизнес учун бир қатор позитив янгиликлар – 2020 йил 1 февралдан кучга кирган Ўзбекистон қонун ҳужжатларидаги ўзгартиришлар ана шулардан иборат.**




### Иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар оширилди

Индексация миқдори 7%ни (1,07 баравар) ташкил этади. Натижада 1 февралдан МҲЭКМ 679 330 сўм (*тегишинча, янги тариф сеткаси жорий этилади*), пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори – 238 610 сўм, энг кам пенсия ва болалигидан ногиронларга бериладиган нафақа – 466 680 сўм, зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ва меҳнатга қобилиятсиз фуқароларга бериладиган энг кам нафақа миқдори – 286 390 сўмни ташкил этди *(30.12.2019 йилдаги ПҚ-4555-сон қарорнинг 7-банди).*

Ушбу санадан Қорақалпоғистонда ва Хоразм вилоятида айрим ижтимоий тўловларнинг янги қийматлари амал қилишни бошлайди *(ПҚ-4555-сон қарорга 2-илова).*

Бунда базавий ҳисоблаш миқдори ўзгаришсиз қолди – 223 000 сўм. Ўзбекистонда иш ҳақи, пенсия ва стипендиялар биринчи марта солиқлар, йиғимлар, жарималар, давлат божлари ва БҲМга боғлиқ бошқа тўловларни индексациялашга боғлиқ бўлмаган ҳолда оширилди.

### Ер участкаларини хусусийлаштириш тажрибаси якунланади

Эслатиб ўтамиз, жорий йилнинг 1 мартидан «Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида»ги Қонун кучга киради. Унда қайд этилган тартибни дастлаб Сирдарё вилоятида синаб кўришга қарор қилинди. Пировардида қонун чиқарувчиларда барча ижобий ва салбий жиҳатларни таҳлил қилиш имконияти бўлади, зарурат бўлганда, қонун нормаларига кейинчалик номувофиқликлар бўлмаслиги учун тузатишлар киритилиши мумкин.

### Бизнесга – қўшимча қулайликлар

2020 йил 1 февралдан «Doing Business» рейтингида мамлакатимиз позициясини яхшилаш бўйича ишлар доирасида:

● экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда талаб этиладиган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар ва сертификатлар «Ягона дарча» божхона ахборот тизими орқали расмийлаштирилади;

● санитария-эпидемиология ва ветеринария, фитосанитария ва экологик назоратини ўтказиш учун ундириладиган тўловлар миқдори Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланади;

● юридик шахслар даъво аризаси ва унинг иловаларини жавобгар ҳамда иқтисодий судга солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали электрон тарзда юборишга ҳақли бўлади.

***Олег ЗАМАНОВ,***
*«Norma» МЧЖ эксперти.*

✓ БУХГАЛТЕРГА ТАВСИЯЛАР

## ИЖТИМОИЙ СОЛИҚ ВА ЖШДС. ҚАНДАЙ ҚИЛИБ МҲЭКМ ҚАЙТА ҲИСОБЛАНАДИ. ҚҚС ТЎЛАШ ТАРТИБИ




**Солиқ қонунчилигининг долзарб саволларига молия вазирининг ўринбосари Дилшод СУЛТОНОВнинг жавобларини эълон қилишни давом эттирамиз. Ушбу материалда – МҲЭКМни қайта ҳисоблаш қоидалари, таълим бўйича имтиёзларни қўллаш, ходимларга бўнак тўлаш чоғида ЖШДСни тўлаш ва иш ҳақига доир, ҚҚС ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги бошқа саволларга жавоб оласиз.**

***ДСҚ ва Молия вазирлигининг 30.12.2019 йилдаги ахборот хабарида ижтимоий солиқ 2020 йилда давлат ташкилотлари учун 12%ни ташкил этиши кўрсатилган, янги таҳрирдаги Солиқ кодексида эса 25% ставка кўрсатилган. 2020 йил учун бюджет ташкилотларига ижтимоий солиқнинг қайси ставкаси белгиланган?***

– Қуйидагилар учун ижтимоий солиқ ставкаси 25%дан 12%гача пасайтирилади:

● давлат корхоналари;

● устав фондида 50% ва ундан ортиқ давлат улушига эга юридик шахслар;

● устав фондидаги 50% ва ундан ортиқ улуш 50% ва ундан ортиқ давлат улушига эга бўлган бошқа юридик шахсга тегишли бўлган юридик шахслар;

● юқорида санаб ўтилган субъектларнинг тузилмавий бўлинмалари.

Бюджет ташкилотлари учун ижтимоий солиқ ставкаси 25% миқдорида сақлаб қолинди.

***ЖШДС бўйича имтиёзли суммаларни (совғалар ва моддий ёрдам) ва жисмоний шахсларга тўланган бошқа тўловларни ҳисоблаб чиқариш учун қандай МҲЭКМ қўлланилади – йил бошидагими ёки охиридаги ёхуд тўлов санасидагими?***

– Солиқ солинмайдиган даромадларни ҳисоблашда *(Солиқ кодексининг 378-моддаси)* ёки ЖШДС бўйича солиқ тўловчилар айрим тоифаларининг жами даромадлари суммасини камайтиришда *(Солиқ кодексининг 380-моддаси)* тўлов кунидаги меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори олинади.

Бунда Солиқ кодексида солиқ даври учун МҲЭКМга нисбатан каррали миқдорга тенг сумма кўрсатилган бўлса, имтиёз суммаси солиқ даври охирига белгиланган МҲЭКМ бўйича қайта ҳисобланади.

***МИСОЛ. Имтиёз солиқ давридаги МҲЭКМга нисбатан каррали миқдорда берилган.***
*Иш берувчи томонидан солиқ даври мобайнида ходимларга натура шаклида берилган, қиймати 2,11 МҲЭКМгача бўлган совғаларга ЖШДС солинмайди (Солиқ кодексининг 378-моддаси 10-банди). Мазкур ҳолатда йил якунлари бўйича имтиёз суммасини йил охиридаги МҲЭКМдан келиб чиққан ҳолда аниқлаймиз.*

Суммалар солиқ даврига боғланмаган ҳолда МҲЭКМга каррали миқдорларда ифодаланган бўлса, улар тўлов амалга оширилган ойдаги МҲЭКМдан келиб чиқиб ҳисобланади.

2-3-бетларда

# ИЖТИМОИЙ СОЛИҚ ВА ЖШДС. ҚАНДАЙ ҚИЛИБ МҲЭКМ

***МИСОЛ. Тўлов солиқ даврига боғланмаган ҳолда МҲЭКМга каррали миқдорларда ифодаланган***

*Меҳнатда майиб бўлганлик ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етганлик билан боғлиқ зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича жабрланувчи меҳнатда майиб бўлгунига қадар олган ўртача ойлик иш ҳақига нисбатан фоиз ҳисобидаги, унинг касбга оид меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасига мувофиқ белгиланадиган ҳар ойлик тўловларда (вояга етмаган шахс меҳнатда майиб бўлиб қолган тақдирда, зарарнинг ўрни унинг иш ҳақи (даромади) миқдоридан келиб чиққан ҳолда, лекин қонун ҳужжатларида белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 1,76 бараваридан кам бўлмаган миқдорда қопланади) жисмоний шахсларнинг даромади сифатида қаралмайди (СКнинг 369-моддаси 2-қисми 10-банди). Ушбу сумма ҳар ойда тегишли ойнинг охирги санасидаги МҲЭКМдан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади ва тўланади. Демак, январь учун тўлов февралда тўланса, у январдаги МҲЭКМдан келиб чиқиб ҳисобланади.*

> ***Эътибор беринг***
>
> *Шахсий автомобилдан хизмат мақсадларида фойдаланилганлиги учун белгиланган нормалар доирасида тўланган компенсация тўловига жисмоний шахснинг даромадлари сифатида қаралмайди, хизмат сафарлари бундан мустасно.*
>
> *Нормалар 2.04.1999 йилдаги 154-сон ВМҚда иш ҳақига каррали миқдорларда белгиланган. Ушбу қарорга тегишли ўзгартиришлар киритилгунига қадар норма базавий ҳисоблаш миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисобланиши лозим.*

***МИСОЛ. Ходим шахсий автомобилидан хизмат мақсадларида фойдаланади.***

*Бир ойдаги компенсация миқдори 4,5 БҲМга тенг. 2020 йил январь ойи учун бу сумма 1 003 500 сўмни (223 000 сўм х 4,5) ташкил этади.*

**?** ***Иш берувчининг ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашга оид харажатлари ижтимоий солиқ солиш объекти ҳисобланади*** *(Солиқ кодексининг 403-моддаси).* ***Жисмоний шахсларнинг фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича даромадларига ижтимоий солиқ солинадими?***

– Солиқ кодексининг 371-моддасига мувофиқ предмети ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишга оид тузилган фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномаларга мувофиқ жисмоний шахсларга тўловлар (бундан якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадлар мустасно) меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар жумласига киритилади.

Ижтимоий солиқ солинадиган объект бўлиб ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича иш берувчиларнинг харажатлари ҳисобланади *(СКнинг 403-моддаси)*.

Бунда Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари ҳамда Ўзбекистон Республикасида юридик шахсларнинг доимий муассасалари, ваколатхона ва филиаллари орқали фаолиятни амалга оширадиган Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари бўлган юридик шахслар иш берувчи ҳисобланади.

Ижтимоий солиқни ҳисоблаш учун солиқ базаси Солиқ кодексининг 371-моддасига мувофиқ тўланадиган харажатлар суммаси сифатида аниқланади.

Шу тариқа, Солиқ кодексининг 371-моддасига мувофиқ тўлов тўлайдиган Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари ва Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса, ваколатхона ва чет эл юридик шахсларининг филиаллари орқали амалга оширадиган юридик шахслар – Ўзбекистон Республикаси норезидентлари ижтимоий солиқни белгиланган тартибда тўлайдилар.

**?** ***Янги таҳрирдаги Солиқ кодексида ўқиш учун ҳақ тўлашда ЖШДС бўйича имтиёзга таълим олаётганнинг эри (хотини) ҳам киритилди. Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида таълим олиш учун йўналтириладиган маблағларга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича имтиёзни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга қачон ўзгартиришлар киритилади?***

– Солиқ кодексининг 378-моддаси 16-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг олий ўқув юртларида таълим олиш (ўзининг, 26 ёшга тўлмаган фарзандларининг ёки эрининг (хотинининг) таълим олиши) учун тўловга йўналтириладиган солиқ тўловчининг солиқ солиниши лозим бўлган иш ҳақи ва бошқа даромадларига ЖШДС солинмайди.

Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан ушбу Низомга ўзгартиришлар ва қўшимчалар тайёрланмоқда. Бироқ, Солиқ кодексининг нормалари тўғридан-тўғри амал қилиши сабабли, таълим олаётганнинг эри (хотини) 2020 йил 1 январдан белгиланган имтиёздан фойдаланишга ҳақли.

**?** ***Таълим учун ҳақ тўлашда ЖШДС бўйича имтиёзга таълим олувчининг эри (хотини) ҳам киритилди. 2107-сон Низомга мувофиқ, 2019 йил якунларига кўра контракт пулини тўлаган ота-онанинг солиқ солинадиган даромади 2019 йилда тўланган контракт пулидан кам бўлса, имтиёздан фойдаланишга ҳақли бўлган бошқа жисмоний шахслар бундай ҳуқуқдан фойдаланишга ҳақли бўлади. 2020 йилда таълим олувчи жисмоний шахснинг эри/хотини 2019 йил якунлари бўйича ушбу имтиёздан фойдаланиши мумкинми?***

– **Йўқ, мумкин эмас**. 2019 йил якунлари бўйича ЖШДСни ҳисоб-китоб қилишда эр (хотин) имтиёздан фойдалана олмайди, чунки ҳисоб-китоб 2019 йилда амал қилган қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

**?** ***Тўлов манбаида ҳисобланган солиқ суммаси солиқ агенти томонидан солиқ тўловчига даромадлар тўлаш билан бир вақтда, бироқ солиқ ҳисоботи тақдим этиладиган муддатлардан кечиктирмай тўланади*** *(СКнинг 390-моддаси 1-қисми).* ***2020 йилда иш ҳақи бўйича аванслар тўлангандан ЖШДС тўлаш зарурми?***

– Солиқ кодексининг 367-моддаси 2-қисмига мувофиқ меҳнатга ҳақ тўлаш тарзида даромад олинганда, бундай даромаднинг олинган санаси деб, солиқ тўловчига меҳнат шартномаси (контракти) асосида меҳнат мажбуриятларини бажарганлиги учун, унга даромадлар ҳисобланган ойнинг охирги куни эътироф этилади.

Бундан келиб чиққан ҳолда ойнинг биринчи ярми учун иш ҳақи бўйича аванс олинганда ЖШДС тўланмайди.

**?** ***ШЖБПҲ тўғрисидаги Қонунга мувофиқ якка тартибдаги тадбиркорлар ихтиёрий асосда ШЖБПҲга бадаллар киритиши мумкин. Солиқ кодексига мувофиқ барча солиқ тўловчилар даромадларига ЖШДС солинадиган бўлса, буни мажбурий тартибда амалга оширадилар. Якка тартибдаги тадбиркорлар ШЖБПҲга бадаллар тўлаши шартми?***

– Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан ШЖБПҲга ажратмалар тўлаш тартиби 2020 йилда сақланиб қолди, ўзгартирилмади. ШЖБПҲга ажратмалар ихтиёрий асосда тўланади.

**?** ***Якка тартибдаги тадбиркорлар*** *(9.12.2019 йилдаги ЎРҚ-589-сон Қонунга 13-илова)* ***учун қатъий белгиланган миқдордаги ЖШДС суммаси жадвалига изоҳларда айтилишича, жисмоний шахс – I ёки II гуруҳ ногирони фаолият тури ва уни амалга ошириш жойидан қатъи назар, қатъий белгиланган солиқ суммасини белгиланган миқдордан 50%, бироқ бир ойда БҲМнинг 50%идан ошмайдиган миқдорда тўлайди. ЖШДСнинг қатъий белгиланган ставкасида қайси санадаги БҲМ қўлланилади?***

– Мазкур ҳолатда тегишли ойнинг охирги санасидаги БҲМ қўлланилади.

**?** ***Ўқиш (таълим) соҳасида хизматлар ҚҚСдан озод этилган. Мазкур имтиёз чет эл компанияси томонидан кўрсатилган шундай хизматларга ҳам татбиқ этиладими?***

– Ўқиш (таълим) соҳасида хизматлар, жумладан тест ва имтиҳонларни ташкил этиш ва ўтказиш ҚҚСдан озод этилган хизматлар рўйхатига киритилган *(СКнинг 243-моддаси 1-қисми 10-банди)*. Имтиёзни қўллаш учун солиқ тўловчи, башарти бу фаолият қонун ҳужжатларига мувофиқ лицензияланиши лозим бўлса ёки рухсат этувчи ҳужжатларни талаб этса, имтиёз бериладиган фаолият учун тегишли лицензия ва бош-

УШБУ СОНДА:

**• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР**
– 1 февралдан қандай ўзгаришлар бор *1-бет*

**• БУХГАЛТЕРГА ТАВСИЯЛАР**
– Ижтимоий солиқ ва ЖШДС. Қандай қилиб МҲЭКМ қайта ҳисобланади. ҚҚС тўлаш тартиби
– 2020 йил учун «сув солиғи» бўйича бўнак тўловлари
– Фойда солиғи: тўлаш ва ҳисобот топшириш муддатлари *1-6-бетлар*

**• ЙИЛЛИК ҲИСОБОТГА ТАЙЁРЛАНАМИЗ**
– Ягона солиқ тўлови: ҳисоблаш ва тўлашнинг ўзига хос хусусиятлари *7-12-бетлар*

**• СОЛИҚ СОЛИШ**
– Туристик йўлланмаларни реализация қилишда ҚҚС *13-бет*

**• ДОЛЗАРБ МАВЗУ**
– Экологик кун тартиби: Бугун! Эртага кеч бўлади
– ЭИЗ учун имтиёзлар *14-15-бетлар*

**• БОЖХОНА**
– Радиоактив материаллар кириб келиши назорати кимнинг зиммасида?
– Сирдарё: Солиқ кодекси – дастурамал ҳужжат
– Солиқ кодексида назарда тутилмаган *16-бет*

Таҳририят аноним хатларга муносабат билдирмасликка ҳақли, лекин қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермаслиги мумкин.

«СБХ» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга **фақат «NORMA davriy nashrlari» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади**.

# ҚАЙТА ҲИСОБЛАНАДИ. ҚҚС ТЎЛАШ ТАРТИБИ

ка рухсат этувчи ҳужжатларга эга бўлиши лозим *(СКнинг 243-моддаси 2-қисми).*

Ўзбекистонда нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолият лицензияланади *(ВМнинг 27.03.2018 йилдаги 241-сон қарори).* Шу боис, агар чет эл компаниясида Ўзбекистон қонун ҳужжатларига мувофиқ берилган лицензия мавжуд бўлса, мазкур хизматлар ҚҚСдан озод этилади.

Агар чет эл компаниясида бундай лицензия бўлмаса, у томондан кўрсатилаётган хизматларга ҚҚС солиниши лозим. Бунда Ўзбекистон уларни амалга ошириш жойи деб эътироф этилади.

Ўқитиш (таълим) соҳасида хизматлар бўйича реализация қилиш жойи улар ҳақиқатда кўрсатилган жой бўйича аниқланади. Агар хизматлар Ўзбекистонда кўрсатилган бўлса, Ўзбекистон уларни кўрсатиш жойи деб эътироф этилади *(СКнинг 241-моддаси 3-қисми 3-банди).* Бироқ, ушбу норма электрон шаклда кўрсатиладиган таълим хизматларига нисбатан татбиқ этилмайди. Улар бўйича реализация қилиш жойи фаолият жойи (юридик шахс) ёки харидор (жисмоний шахс) жойлашган жой бўйича аниқланади *(СКнинг 241-моддаси 1-қисми).*

**_1.01.2020 йил ҳолатига ҳисобга олинадиган ҚҚС суммаси реализация қилишдан айланма бўйича ҚҚС суммасидан 18 млн сўмга ошди. 2020 йилнинг январь ойи учун бюджетга тўланадиган ҚҚС 5 млн сўмни ташкил этди. 2020 йилдан бошлаб ой – ҚҚС бўйича солиқ даври ҳисобланади, ҳисобот ўсиб бормайдиган якун билан тақдим этилади. Январь ойи учун солиқ тўлаш чоғида йил бошига ҚҚС суммаси камайтириш учун инобатга олинадими?_**

– Ҳа, ҳисобга олинадиган ҚҚС суммасининг реализациядан айланма бўйича ҚҚС суммасидан ошган суммаси ҚҚС бўйича бюджет билан кейинчалик ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади. Энди ҳисобот ҳар ойда топширилиши ва кўрсаткичлар ой учун ўсиб бормайдиган якун билан акс эттирилишига қарамай, бухгалтерия ҳисобида бюджет билан ҳисоб-китоблар илгаридагидек – ўсиб борувчи якун билан юритилади. Бу шуни англатадики, 2020 йилнинг январь ойи учун ҚҚС бўйича бюджет билан ҳисоб-китобларда 2019 йил якунлари бўйича ҳосил бўлган ҚҚС бўйича ортиқча сумма инобатга олинади.

**_Корхона муассиси – жисмоний шахс дори воситаларини ишлаб чиқаришда ишлатиладиган материалларни устав капиталига ҳисса сифатида топширади. Мазкур вазиятда ҚҚС ҳисоблаб ёзиш бўйича мажбуриятлар вужудга келадими? Мазкур операция бўйича ҳисобварақ-фактура расмийлаштириладими ёки қабул қилиш-топшириш далолатномаси етарлими?_**

– Йўқ, мазкур ҳолатда ҚҚС ҳисоблаб ёзилмайди ва ҳисобварақ-фактура расмийлаштирилмайди.

Жисмоний шахслар икки ҳолатда ҚҚС тўловчи деб эътироф этилади *(СКнинг 237-моддаси 1-қисми):*

1) товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромади солиқ даврида 1 млрд сўмдан ошган ёхуд ихтиёрий равишда ҚҚСни тўлашга ўтган якка тартибдаги тадбиркорлар ҳисобланганда;

2) Ўзбекистоннинг божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтиш чоғида. Улар божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ божхона тўловлари таркибида ҚҚСни тўлайдилар.

Муассис-жисмоний шахс томонидан материалларни топшириш қабул қилиш-топшириш далолатномаси билан расмийлаштирилиши лозим.

**_Чет эл юридик шахсининг ДМда ҚҚС бўйича солиқ базаси қандай аниқланади?_**

– Чет эл юридик шахсига қарашли ДМ товарларни (хизматларни) реализация қилиш айланмасидан келиб чиққан ҳолда ҚҚСни мустақил равишда ҳисоблайди ва тўлайди *(СКнинг 238-моддасининг 2-қисми).* ҚҚС бўйича солиқ базасини у томонлар белгилаган битим нархидан келиб чиқиб, акциз солиғини ҳисобга олган ҳолда (акциз тўланадиган товарлар, хизматлар учун) ва унга ҚҚСни киритмасдан реализация қилинган товарлар қиймати сифатида аниқлайди *(СКнинг 248-моддаси).*

***МИСОЛ. ҚҚС бўйича солиқ солинадиган базани аниқлаймиз***
*Чет эл юридик шахси буюртмачи – Ўзбекистон корхонаси билан шартнома бўйича Ўзбекистонда объект қурмоқда ва шу муносабат билан ДМни рўйхатдан ўтказди. Смета бўйича ишлар қиймати ҚҚС бўйича солиқ базаси бўлади ва 200 минг АҚШ долларини ташкил этади. Шартнома бўйича умумий ишлар қиймати 15%лик ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда 230 минг АҚШ долларини ташкил этади.*

Чет эл юридик шахси солиқ тўловчи сифатида солиқ органларида рўйхатдан ўтмаган бўлса, солиқ агенти – ушбу чет эл юридик шахсининг товарлар (харидлар) сотиб олувчиси чет эллик шахснинг даромадларидан ҚҚС суммасини ушлаб қолиши ва бюджетга ўтказиши шарт, чет эллик шахс – сотувчига эса унга берилиши лозим бўлган даромад суммасини ҚҚСни чегирган ҳолда ўтказади. Бунда Солиқ кодексининг 240 ва 241-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон товарларни (хизматларни) реализация қилиш жойи деб эътироф этилиши керак.

**_Чет эл юридик шахсининг ДМ учун ҚҚС бўйича ҳисобот тақдим этишнинг қандай муддатлари белгиланган? Бажарилган ишлар далолатномаси тарафлар томонидан имзоланган, бироқ буюртмачидан пул маблағлари олинмаган бўлса, ҳисобот қандай тартибда тақдим этилади?_**

– 2020 йилдан ой ҚҚС бўйича солиқ даври ҳисобланади *(СКнинг 259-моддаси).* Айнан ушбу давр ҳисобот даври ҳисобланади. Яъни ҚҚС бўйича солиқ ҳисоботи ҳар ойда – ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 20-санасидан кечиктирмай тақдим этилади *(СКнинг 273-моддаси).* Бунда кўрсатилган хизматларга буюртмачи томонидан ҳақ тўланган ёки тўланмаганлиги аҳамиятга эга бўлмайди. Хизматлар бўйича реализация қилиш айланмаси амалга оширилган кун ҳисобварақ-фактура ёки хизматлар кўрсатилганини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжат расмийлаштирилган (имзоланган) кун ҳисобланади *(СКнинг 242-моддаси).*

**_Чет эл юридик шахсига қарашли ДМ 2019 йилда шартнома бўйича ишларнинг бир қисмини бажарди, улар бўйича далолатномалар имзоланган ва ҳақ тўланган. Ишларнинг бир қисми 2020 йилда бажарилмоқда. Мазкур ҳолатда ҚҚС бўйича солиқ солинадиган база қандай аниқланади?_**

– Чет эл юридик шахсига қарашли ДМлар 2020 йил 1 январдан бошлаб ҚҚС тўловчига айланганлиги сабабли 2020 йилда бажариладиган ишлар ҳажми бўйича улар ҚҚС тўлаши лозим. Бунинг учун буюртмачилар билан шартномаларга қўшимча битимларни тузиш керак, унда шартнома суммасида ҚҚС ҳисобга олинмаганлиги ва кейинчалик ишлар қийматига ушбу солиқ суммаси киритилиши кўрсатилади. ҚҚСсиз аниқланган ва 2020 йил 1 январга қадар бажарилган ишлар ҳажмини алоҳида кўрсатиш зарур.



*2020 йил 1 январгача ишлар (хизматлар) харидори ҚҚСни ўз маблағлари ҳисобидан тўлаган.*

***МИСОЛ. Бир қисми 2019 йилда бажарилган ишлар бўйича ҚҚС солинадиган базани аниқлаймиз.***
*Буюртмачи объектидаги фаолияти ДМ ташкил этишга олиб келувчи чет эллик пудратчи умумий суммаси 200 минг АҚШ долларилик шартномага мувофиқ 2019 йилда ишларнинг бир қисмини (150 минг АҚШ доллари) бажарди.*
*2019 йил декабрда қабул қилиш-топшириш далолатномаси бўйича натижа топширилди, 2020 йил январда ҳақ тўланди.*
*Ишларнинг қолган қисми (50 минг АҚШ долларига) 2020 йил январь-февраль ойларида бажарилади, далолатномалар 2020 йил мартда имзоланади.*
*ҚҚС ҳисоблаш учун солиқ солинадиган базани аниқлаймиз.*
*Пудратчи 2019 йилда ҚҚС тўловчи ҳисобланмаган. Демак, далолатномалари 2019 йил декабрда имзоланган, 2019 йилда бажарилган ишлар ҳажми бўйича ҚҚСни у ҳисобламайди ва тўламайди. Ушбу ишлар бўйича ҚҚС 2007 йилдаги таҳрирдаги Солиқ кодексининг талабларига мувофиқ уларнинг харидорлари томонидан тўланади.*
*2020 йил январда буюртмачидан ҳақ олинганда ДМ томонидан солиқ ҳисобланмайди.*
*1.01.2020 йилдан бошлаб норезидентга қарашли ДМ ҚҚС тўловчига айланади ҳамда бажарилганлиги тўғрисида далолатнома 2020 йил 1 январдан кейин имзоланган ишлар ҳажми бўйича ҳисоботни топшириши ва ҚҚСни тўлаши шарт.*
*Бу хизматларни реализация қилиш айланмаси амалга оширилган сана бўлиб ҳисобварақ-фактура ёки хизматлар кўрсатилганини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжатлар расмийлаштирилган (имзоланган) сана ҳисобланиши билан боғлиқдир (СКнинг 242-моддаси 4-қисми).*
*Қоидага кўра, пудратчи ва буюртмачи ўртасида тузилган қўшимча битим 50 минг АҚШ доллари миқдоридаги шартнома бўйича ишларнинг бажарилмаган қисмига ҚҚС суммасини ҳисоблаш тўғрисидаги шарт кўрсатилган ҳолда имзоланади: жами – 57,5 минг АҚШ доллари тўланади, шу жумладан ҚҚС – 7,5 минг АҚШ доллари (50 х 15%).*

**_Бюджетга тўланадиган ҚҚС суммасини ҳисоб-китоб қилишда чет эл юридик шахсига қарашли ДМ ҳисобга олиш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкинми?_**

– Ҳа, мумкин. Бюджетга тўланадиган ҚҚС суммасини ҳисоб-китоб қилишда, ДМ ҳисобланган ҚҚС суммасини ҳақиқатда олинган товарлар (хизматлар) бўйича тўланган (тўланадиган) солиқ суммага камайтиришга ҳақлидир. Бунда Солиқ кодексининг 266 ва 267-моддаларида назарда тутилган ҳисобга олиш шартлари бажарилиши лозим.

***buxgalter.uz** сайти материали асосида.*

# 2020 ЙИЛ УЧУН «СУВ СОЛИҒИ» БЎЙИЧА

**Солиқ даври – календарь йил мобайнида солиқ тўловчилар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича бўнак тўловларини тўлашади** *(Солиқ кодексининг 448-моддаси 1-қисми).*

Бу норма қуйидагиларга татбиқ этилмайди:

- қишлоқ хўжалиги корхоналари;
- фаолиятини ДМ орқали амалга ошираётган норезидентлар бўлган юридик шахслар;
- деҳқон хўжаликлари.

> ❗ *Солиқ даври учун бўнак тўловлар суммаси солиқ ҳисоботида кўрсатилган тўланиши лозим бўлган солиқ суммасига нисбатан 10%дан ортиқ миқдорга камайтирилган тақдирда, солиқ органи бўнак тўловларни солиқнинг ҳақиқий суммасидан келиб чиқиб, қайтадан ҳисоб-китоб қилади ва пеня ҳисоблайди (Солиқ кодексининг 448-моддаси 6-қисми).*

### Маълумотнома тақдим этиш муддатлари

Солиқ тўловчилар сувдан фойдаланиш ёки сувни истеъмол қилиш жойидаги солиқ органларига қуйидаги муддатларда жорий солиқ даври учун солиқ суммаси тўғрисидаги маълумотномани тақдим этади *(Солиқ кодексининг 448-моддаси 2-қисми):*

- янги ташкил этилганлари – давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан 30 кундан кечиктирмай;
- солиқ бўйича мажбуриятлари солиқ даври ичида юзага келган солиқ тўловчилар – солиқ мажбурияти юзага келган санадан эътиборан 30 кундан кечиктирмай;
- қолганлари – жорий солиқ даврининг 20 январигача *(Солиқ кодексининг 5-моддаси 8-қисми).*

> ❗ *Солиқ даври давомида мўлжалланаётган солиқ базаси ўзгарганда, сиз солиқ суммаси тўғрисида аниқлаштирилган маълумотнома тақдим этишга ҳақлисиз. Бунда солиқ даврининг қолган қисми учун бўнак тўловларга солиқнинг ўзгарган суммасига тенг улушларда тузатиш киритилади (Солиқ кодексининг 448-моддаси 4-қисми).*

### Тўлов муддатлари

Бўнак тўловлар (*Солиқ кодексининг 448-моддаси 3-қисми*):

- солиқ даврида солиқ суммаси 200 БҲМдан кўпроқни ташкил этадиган юридик шахслар томонидан,- бундан айланмадан олинадиган солиқни тўловчилар мустасно – ҳар ойнинг 20-санасидан кечиктирмай йиллик солиқ суммасининг 1/12 қисми миқдорида;
- солиқ даврида солиқ суммаси 200 БҲМдан камроқни ташкил этадиган, айланмадан олинадиган солиқни тўловчилар бўлмаган юридик шахслар, шунингдек айланмадан олинадиган солиқни тўловчилар ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан – ҳар чорак учинчи ойининг 20-санасидан кечиктирмай йиллик солиқ суммасининг 1/4 қисми миқдорида тўланади.

2020 йилнинг январь ойида 200 БҲМ 44 600 000 сўмга (223 000 x 200) тенг.

### Маълумотнома шакли

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг 2020 йил учун мўлжалланаётган суммаси тўғрисидаги маълумотнома 2019 йилда амалда бўлган шаклда тақдим этилади (*МВ ва ДСҚнинг 30.12.2019 йилдаги 06/04-01-32/3953-сон ва 12-37999-сон ахборот хати*).

Солиқ ҳисоботларини қабул қилиш тизимида ***(my.soliq.uz)*** 2020 йил учун тавсия қилинган шакллар жойлаштирилган, ундан ўзингизга тўғри келадиган шаклни танлаб олишингиз лозим.

### Маълумотнома учун маълумотлар

Бўнак тўловлар мўлжалланаётган солиқ базасидан (фойдаланиладиган сув ҳажмидан) ва белгиланган солиқ ставкаларидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади (*Солиқ кодексининг 448-моддаси 2-қисми*).

Маълумотномани тўлдириш учун қуйидаги кўрсаткичлар ҳисобланиши лозим:

**1. Солиқ солиниши лозим бўлган сувдан фойдаланишнинг тахмин қилинаётган ҳажми *(куб метрда).***

Бу кўрсаткични ташкилотингизнинг техник мутахассислари қуйидагилардан келиб чиқиб ҳисоблаб беришга ёрдам берадилар:

- 2020 йил учун режалаштирилган ишлаб чиқариш ҳажми, сув ресурслари харажати меъёрлари;
- жорий эхтиёжларни инобатга олган ҳолда олдинги йиллардаги сувдан фойдаланиш ҳажмлари.

Ҳисоб-китобларга солиқ солиш объекти бўлмаган қуйидаги сув ресурсларини киритманг:

1) нотижорат ташкилотлар томонидан нотижорат фаолиятни амалга ошириш доирасида фойдаланиладиган сув ресурслари;

2) соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан даволаш мақсадида фойдаланиладиган ер ости минерал сувлари, бундан савдо тармоғида реализация қилиш учун фойдаланилган сув ҳажми мустасно;

3) атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатишининг олдини олиш мақсадида чиқариб олинган ер ости сувлари, бундан ишлаб чиқариш ва техник эҳтиёжлар учун фойдаланилган сув ҳажми мустасно;

4) шахтадан сувларни қочириш учун, фойдали қазилмаларни қазиб олиш пайтида чиқариб олинган ва қатламдаги босимни сақлаб туриш учун ер қаърига қайта қуйиладиган ер ости сувлари, бундан ишлаб чиқариш ва техник эхтиёжлар учун фойдаланилган сув ҳажми мустасно;

5) гидроэлектростанциялар гидравлик турбиналарининг ҳаракати учун фойдаланиладиган сув ресурслари;

6) иссиқлик электр станциялари ва иссиқлик электр марказлари томонидан қайта қуйиладиган сув ресурслари;

7) қишлоқ хўжалигига мўлжалланган шўрланган ерларни ювиш учун фойдаланиладиган, сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли соҳасидаги ваколатли орган томонидан тасдиқланган шўрларни ювиш нормалари доирасидаги сув ресурслари (*Солиқ кодексининг 442-моддаси 2-қисми*).

### Ҳажми

Ер усти ва ер ости манбаларидан олинган сув ҳажмини сув ўлчагич асбоблар кўрсаткичлари асосида аниқланг (*Солиқ кодексининг 444-моддаси 1-қисми*).

Агар сизнинг корхонангизда ўрнатилган сув ўлчагич асбоблари ер усти ва ер ости манбаларидан олинган сув ҳисобини алоҳида юритиш имконини берса, тахмин қилинаётган фойдаланиш ҳажмини манбаларнинг иккала тури бўйича алоҳида аниқланг.

Сув ўлчагич асбоблар бўлмаса, сувдан фойдаланишнинг тахмин қилинаётган ҳажмини сув объектларидан сув олиш лимитларидан, сувни истеъмол қилишнинг технологик ва санитария нормаларидан, экинлар ҳамда яшил дарахтзорларни суғориш нормаларидан ёки бошқа усуллардан келиб чиққан ҳолда аниқланг (*Солиқ кодексининг 444-моддаси 2-қисми*).



### Солиқ базаси

Агар сиз сув ресурсларининг ер усти ва ер ости манбаларидан сув келадиган водопровод тармоғидаги сувдан фойдалансангиз, солиқ базасини сув ҳажмлари нисбатидан келиб чиқиб аниқланг.

Сув етказиб беришни амалга оширувчи юридик шахслар ҳар бир календарь йил учун нисбатни солиқ органларига жорий солиқ даврининг 15 январига қадар тақдим этади. Ўз навбатида солиқ органлари уч кун ичида ушбу маълумотларни солиқ тўловчилар эътиборига етказади (*Солиқ кодексининг 444-моддаси 3-қисми*).

> ❗ *Биноларнинг бир қисми ёки алоҳида иншоотлар ижарага берилганда солиқ базаси сув етказиб беришни амалга оширувчи юридик шахс билан шартнома тузган ижарага берувчи томонидан аниқланади. Агар сиз биноларнинг бир қисмини ёки алоҳида иншоотларни ижарага олган ва сув етказиб беришни амалга оширувчилар билан ўзингиз шартнома тузган бўлсангиз, солиқ базасини мустақил равишда аниқланг (Солиқ кодексининг 444-моддаси 5, 6-қисмлари). Яъни биноларнинг бир қисми ёки алоҳида иншоотлар ижарага олинган ҳолатда солиқни сув етказиб беришни амалга оширувчи билан шартнома тузган солиқ тўловчи тўлайди.*

> ❗ *Алкоголли маҳсулот ва алкоголсиз ичимликларни ишлаб чиқариш ва бошқа мақсадлар учун фойдаланилган сувнинг ҳажми ишлаб чиқарувчи юридик шахслар учун солиқ базаси ҳисобланади. Алкоголли маҳсулот ва алкоголсиз ичимликлар ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган сув ҳажми деганда истеъмол идишидаги тайёр маҳсулотга тўғри келадиган сувнинг ҳажми тушунилади (Солиқ кодексининг 444-моддаси 12-қисми).*

# БЎНАК ТЎЛОВЛАРИ



**2. Водопровод сувидан фойдаланишнинг тахмин қилинаётган ҳажми**

Агар сиз водопровод тармоғидаги сувдан фойдалансангиз, сувдан фойдаланишнинг тахмин қилинаётган ҳажмини ер усти ва ер ости манбалари нисбатидан келиб чиқиб аниқланг, бу ҳақдаги ахборотни сув етказиб беришни амалга оширувчи ташкилотлар тақдим этади.

Хусусан, Тошкент шаҳар «Сувсоз» ДУК 2020 йил учун водопровод сувидаги ер усти ва ер ости сувларининг фоизли нисбатини маълум қилди:

- ер усти сувлари – **90,1%;**
- ер ости сувлари – **9,9%.**

***МИСОЛ. Ер усти ва ер ости сувлари нисбатидан келиб чиқиб сувдан фойдаланишнинг тахмин қилинаётган ҳажмини аниқлаш***

*Корхона Тошкент шаҳрида жойлашган. 2020 йилда сувдан фойдаланишнинг тахмин қилинаётган ҳажми – 1 200 куб м. Сув ресурсларининг ер усти ва ер ости манбалари нисбатидан келиб чиққан ҳолда солиқ базаси:*

- *ер усти сувлари – 1 081,2 куб м (1 200 х 90,1%)ни;*
- *ер ости сувлари – 118,8 куб м (1 200 х 9,9%)ни ташкил этади.*

**3. Корхонангиз фаолият соҳасидан келиб чиққан ҳолда солиқ ставкалари.**

Белгиланган лимитлар доирасида ер усти ва ер ости манбалари учун солиқ ставкалари бир куб метр учун мутлақ миқдорда белгиланади. Солиқ ставкалари миқдори Давлат бюджети тўғрисидаги Қонун билан белгиланади *(Солиқ кодексининг 445-моддаси 1-қисми)*.

2020 йил учун солиқ ставкалари «2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги Қонунга *(9.12.2019 йилдаги ЎРҚ-589-сон)* 11-иловада билан тасдиқланган:

**СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНГАНЛИК УЧУН СОЛИҚ СТАВКАЛАРИ**

| *Т/р* | *Тўловчилар* | *1 куб метр учун ставка (сўм)* | |
|---|---|---|---|
| | | *Ер усти сув ресурслари манбалари* | *Ер ости сув ресурслари манбалари* |
| 1 | Иқтисодиётнинг барча тармоқларидаги корхоналар (2-6-бандларда назарда тутилганлар бундан мустасно), деҳқон хўжаликлари (юридик ва жисмоний шахслар), шунингдек тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида сув ресурсларидан фойдаланадиган жисмоний шахслар | 140 | 170 |
| 2 | Саноат корхоналари (3-6-бандларда назарда тутилганлар бундан мустасно) | 410 | 490 |
| 3 | Автотранспорт воситаларини ювишга ихтисослашган корхоналар | 1 380 | 1 730 |
| 4 | Электр станциялари | 35 | 60 |
| 5 | Коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари | 70 | 90 |
| 6 | Пиво ва винодан ташқари алкоголь маҳсулот ва алкоголсиз ичимликлар ишлаб чиқарувчи корхоналар: | | |
| | пиво ва винодан ташқари алкоголь маҳсулотлар ва алкоголсиз ичимликларни ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган сув ҳажми бўйича | 21 900 | 21 900 |
| | бошқа мақсадларда | 410 | 490 |

! *Қуйидагиларда солиқ белгиланган солиқ ставкаларининг 5 баравари миқдорида тўланади:*

- *сувдан фойдаланиш учун белгиланган лимитлардан ортиқча сув олинганда (Солиқ кодексининг 445-моддаси 2-қисми);*
- *бундай ортиқча қисм бўйича сув ресурсларидан рухсат берувчи ҳужжатларсиз фойдаланилганда (Солиқ кодексининг 445-моддаси 3-қисми);*
- *автотранспорт воситаларини ювишни амалга оширувчи корхоналар томонидан ер усти манбаларидан олинган сувдан фойдаланилганда (Солиқ кодексининг 445-моддаси 3-қисми).*

***МИСОЛ. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича бўнак тўловлари ҳисоб-китоби***

*Тошкент шаҳрида жойлашган, айланмадан олинадиган солиқни тўловчи бўлмаган ишлаб чиқарувчи корхона 2020 йил учун сувдан фойдаланишнинг тахмин қилинаётган ҳажмини аниқлади: 15 600 куб м водопровод суви ва 20 300 куб м қудуқдан ер ости суви. Сув ресурсларининг ер усти ва ер ости манбалари нисбатидан келиб чиққан ҳолда водопровод суви бўйича мўлжалланаётган солиқ базаси:*

- *ер усти сувлари – 14 055,6 куб м (15 600 х 90,1%)ни;*
- *ер ости сувлари – 1 544,4 куб м (15 600 х 9,9%)ни ташкил этади.*

*Саноат корхоналари учун 2020 йил учун солиқнинг қуйидаги ставкалари белгиланган:*

- *ер усти сувлари – 1 куб м учун 410 сўм;*
- *ер ости сувлари – 1 куб м учун 490 сўм.*

*2020 йил учун солиқнинг мўлжалланаётган суммаси 16 466 552 сўмни ташкил этади, шу жумладан:*

- *ер усти сувлари учун – 5 762 796 сўм (14 055,6 х 410);*
- *ер ости сувлари учун – 10 703 756 сўм ((1 544,4 + 20 300) х 490).*

*16 466 552 сўм миқдордаги солиқ суммаси 200 БҲМ (44 600 000 сўм)дан кам, шу боис бўнак тўловлар ҳар чорак учинчи ойининг 20 санасидан кечиктирмай тўланиши керак. Яъни биринчи тўлов – 2020 йилнинг 20 мартидан кечиктирмай йиллик солиқ суммасининг 1/4 қисми (16 466 552 : 4 = 4 116 638 сўм) миқдорида тўланади.*

***Олег ЦОЙ,***
*«Norma» МЧЖ эксперти.*

РЕКЛАМА

«КОРХОНА ЮРИСТИ»
NORMA
электрон маълумотнома тизимини ЎЗБЕК ТИЛИДА тақдим этамиз
Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1. Тел. (71) 200-00-90.
E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

ЖАВОБ БЕРАМИЗ

# САВОБ ИШЛАРНИНГ СОЛИҚ ОҚИБАТЛАРИ

***? Корхона раҳбариятига касалхонада ётган бемор боланинг онаси (ходим ҳисобланмайди) мурожаат қилди. Корхона болани даволаш учун касалхонага ва жисмоний шахснинг карточкасига пул маблағларини ўтказишга қарор қилди. Корхона фойда солиғи тўловчиси ҳисобланади.***
***Мазкур ҳолатда тарафларда қандай солиқ оқибатлари юзага келади?***

– Юридик шахслар томонидан солиқ тўловчи манфаатларини кўзлаб стационар ва амбулатор даволаниш ҳақини тўлаш, шунингдек унинг картасига даволаниш учун пул маблағини беғараз ўтказиб бериш моддий наф тарзидаги даромадлар ҳисобланади. Солиқ кодексида фақат **ўз ходимларига ҳамда уларнинг болаларига** амбулатория ва (ёки) стационар тиббий хизмат кўрсатилганлиги учун **иш берувчи** томонидан ҳақ тўланган ҳолатларда ЖШДС бўйича имтиёзлар назарда тутилган *(Солиқ кодексининг 376-моддаси 1-қисми 1-банди, 378-моддаси 3-банди).* **Молиявий ёрдам олаётган жисмоний шахс корхона ходими бўлмаганлиги сабабли ушбу имтиёз қўлланилмайди ва моддий ёрдам суммасига ЖШДС солинади.**

Корхонага солиқ агенти сифатида даромад тўлаш чоғида солиқни ҳисоблаб чиқариш, ушлаб қолиш ва бюджетга ўтказиш мажбурияти юкланади. Корхонангиз ЖШДСни ушлаб қолмаслиги мумкин, бироқ мазкур ҳолатда ушлаб қолинмаган солиқ суммасини ўз маблағлари ҳисобидан бюджетга ўтказиши шарт *(Солиқ кодексининг 386-моддаси 1, 3-қисмлари)*. Корхона томонидан солиқ тўловчи-жисмоний шахс учун тўланган солиқ суммаси солиқ тўловчининг солиқ солинадиган даромади ҳисобланмайди *(26.06.2018 йилдаги ПҚ-3802-сон қарорнинг 4-банди).*

**Корхона фойда солиғи бўйича солиқ солинадиган базани аниқлашда ушбу харажатларни чегириб ташламаслиги лозим** *(Солиқ кодексининг 317-моддаси 3-банди).*

***Замира ЖЎРАЕВА,***
*«Norma» МЧЖ эксперти.*

# ФОЙДА СОЛИҒИ: ТЎЛАШ ВА ҲИСОБОТ ТОПШИРИШ МУДДАТЛАРИ

## 2019 йил учун тўлов ва ҳисобот

2019 йил учун ҳисобот 2020 йилда топширилади. Солиқ солиш солиқ мажбуриятлари юзага келган пайтда амалда бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади *(Солиқ кодексининг 4-моддаси 1-қисми).*

Шунинг учун янги таҳрирдаги Солиқ кодексида кўрсатилган муддатларга мўлжал оламиз. **2019 йил учун фойда солиғи бўйича солиқ ҳисоботи 2020 йил 1 мартдан кечиктирмай тақдим этилади** *(Солиқ кодексининг 339-моддаси 5-қисми).*

> ❗ *Молиявий ҳисоботни топшириш **муддатлари ўзгармади** (АВ томонидан 3.07.2000 йилда 942-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 1-4-бандлари):*
> - *вазирликлар, идоралар, уюшмалар, корпорациялар, концернлар ва давлат мулкини бошқарувчи бошқа органлар учун – **15 мартдан кечиктирмай**;*
> - *хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар ва чет эл фирмаларининг ваколатхоналари учун – **25 мартдан кечиктирмай**;*
> - *бюджет ташкилотлари учун – **15 мартгача**;*
> - *бошқа барча учун – **15 февралдан кечиктирмай**.*

Фойда солиғи молиявий ҳисоботда *(АВ томонидан 24.01.2003 йилда 1209-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* қуйидаги сатрларда:

- Молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботнинг *(2-сон шакл)* 250-«Фойда солиғи» сатри;
- Бухгалтерия балансининг *(1-сон шакл)* 680-«Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик» сатрида акс эттирилиши боис,

аксарият корхоналар 2019 йил учун солиқни **15 февралдан кечиктирмай** ҳисоблашлари лозим.

2019 йил учун фойда солиғи бўйича **қарздорликни 2020 йилнинг 1 мартидан кечиктирмай** сўндиринг.

## Бўнак тўловларини ким тўлайди

Жами даромади жорий солиқ давридан олдинги солиқ даври, яъни 2019 йил учун киритилган тузатишлар ҳисобга олинган ҳолда 5 млрд сўмдан ошадиган корхоналар 2020 йилдан бошлаб бўнак тўловларини тўлайди *(Солиқ кодексининг 340-моддаси 2-қисми).*

> ❗ *Жами даромадга қуйидаги даромадларни киритинг (Солиқ кодексининг 297-моддаси):*
> - *Ўзбекистондаги ва унинг ҳудудидан ташқаридаги манбалардан олинган даромадлар;*
> - *ҳар қандай шаклда ва (ёки) ҳар қандай фаолиятдан олиниши лозим бўлган даромадлар. Уни **ҚҚСни ва акциз солиғини инобатга олмаган ҳолда** аниқланг.*

2020 йилда бўнак тўловлар тўлаш заруратини қуйидаги формула бўйича аниқланг:

***2019 йилнинг 9 ойи учун жами даромад: 9 х 12 > 5 млрд сўм.***

Шарт бажарилган тақдирда **бўнак тўловларини ҳар ойда 23-санадан кечиктирмай** тўланг. Масалан, январь ойида аванс тўловларини 23 январдан кечиктирмай тўлайсиз ва ҳ.к.

Агар:

- сиз янги корхона очган бўлсангиз;
- ёки юқорида кўрсатилган шарт бажарилмаса, бироқ бунда сиз 2020 йилда 5 млрд сўм миқдорга етган бўлсангиз, 5 млрд сўм миқдорга етган чоракдан кейинги чоракдан бошлаб бўнак тўловларини тўлашни бошланг.

***МИСОЛ. Янги корхона томонидан бўнак тўловларини тўлаш***

*Корхона 2020 йил январь ойида рўйхатдан ўтказилган. I чорак учун жами даромад 4,8 млрд сўмни, 4 ой (январь-апрель) учун эса 5,1 млрд сўмни ташкил этди. Даромад II чоракда 5 млрд сўмдан ошганлиги боис корхона III чоракдан бошлаб бўнак тўловларини тўлашни бошлайди. Яъни биринчи бўнак тўлови 23 июлдан кечиктирмай амалга оширилади.*

> ❗ *Бўлиш ёки корхонани бошқа корхонадан ажратиб чиқариш натижасида ташкил этилган корхоналар ташкил этилган пайтдан эътиборан иккита чорак мобайнида бўнак тўловларини тўлайди, бащарти қайта ташкил этилган корхона қайта ташкил этиш пайтида уларни тўлаган бўлса. Иккита чорак ўтгач, бўнак тўловларини тўлашнинг умумий қоидалари амал қилишни бошлайди.*

Қуйидагилар даромад суммасидан қатъи назар бўнак тўловларини тўламайди:

- бюджет ташкилотлари;
- нодавлат нотижорат ташкилотлар, бундан матлубот кооперативлари мустасно.

## Бўнак тўловлари қандай тўланади

**2020 йилдан бошлаб бўнак тўловлари бўйича маълумотномалар тақдим этиш шарт эмас.**

I чорак учун бўнак тўловлари суммаси 2007 йил таҳриридаги Солиқ кодексига мувофиқ 2019 йилнинг IV чораги учун ҳисоблаб чиқарилган жорий (ойлик) тўлов миқдорида аниқланади. Улар 23 январь, 23 февраль ва 23 мартдан кечиктирмай тўланади.

II чоракда бўнак тўловлари сиз томондан I чорак учун ҳисобланган фойда солиғининг 1/3 қисми сифатида аниқланади. Улар 23 апрель, 23 май ва 23 июндан кечиктирмай тўланади.

III ва IV чоракларда бўнак тўловлари худди шундай тарзда аниқланади. Яъни олдинги чоракнинг фойдасидан келиб чиқиб аниқланади.

Ҳисоблаб ёзилган бўнак тўловларини сиз шахсий карточкада кўришингиз мумкин.

> ❗ *Агар 2019 йилнинг IV чорагида бўнак тўловлари ҳисоблаб ёзилмаган бўса, уларни 2020 йилнинг I чорагида ҳам тўлаш керак эмас.*
> *Олдинги чоракда фойда бўлмаса бўнак тўловлари ҳисоблаб ёзилмайди ва тўланмайди.*

***1-ВАЗИЯТ. Корхона тўртинчи чоракда бўнак тўловларини тўламаган***

*2019 йил IV чорак учун фойда солиғи бўйича тахмин қилинаётган солиқ солинадиган база 200 БҲМдан (200 х 223 000 = 44 600 000 сўм) камни ташкил қилди. Шу боис корхона ноль қиймат билан фойда солиғи бўйича жорий тўловларни ҳисоблаб чиқариш учун Маълумотномани тақдим этди. Демак, 2020 йилнинг I чорагида ҳам корхона бўнак тўловларини тўламаслиги керак.*

***2-ВАЗИЯТ. Корхона 2020 йилнинг I чораги якунлари бўйича зарар кўрди***

*Корхона I чоракни зарар билан якунлагани боис, II чоракда у фойда солиғи бўйича бўнак тўловларини тўламайди.*

***3-ВАЗИЯТ. Корхона 2020 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича зарар кўрди***

*I чорак якунлари бўйича корхона 30 млн сўм зарар кўрди.*

*Биринчи ярим йиллик якунлари бўйича зарар 10 млн сўмни ташкил этди. Иккинчи чорак якунларини аниқлаймиз: -10 – (-30) = 20 млн сўм.*

*II чоракда корхона 20 млн сўм фойдага эга. Шу боис III чоракда у бўнак тўловларини тўлаши лозим.*

Солиқ органлари рўйхатдан ўтказиш органидан корхона тугатилиши тўғрисида қарор қабул қилинганлиги тўғрисида ахборотни олган тақдирда бўнак тўловларини ҳисоблаб ёзишни тўхтатиб туради. Бўнак тўловлари бундай ахборот олинган ойдан бошлаб ҳисобланиб ёзилмайди.

Агар корхона фаолияти тикланса, бўнак тўловлари уларни ҳисоблаб ёзиш тўхтатилган ойдан бошлаб ҳисоблаб ёзилади.

## 2020 йилда тўлов ва ҳисобот муддатлари қандай

Фойда солиғи бўйича ҳисобот даври – чорак. Шу боис фойда солиғи чорак якунлари бўйича йил бошидан ошиб борувчи якун билан ҳисоблаб чиқарилади *(Солиқ кодексининг 339-моддаси).*

Фойда солиғи бўйича ҳисобот:

- I чорак учун – **20 апрелдан кечиктирмай**;
- II чорак учун – **20 июлдан кечиктирмай**;
- III чорак учун – **20 октябрдан кечиктирмай**;
- IV чорак учун – **2021 йилнинг 1 мартидан кечиктирмай** тақдим этилади.

**Фақат йил якунлари бўйича ҳисоботни:**

- нотижорат ташкилотлари, истеъмолчилар кооперативлари бундан мустасно, бюджет ташкилотлари;
- нодавлат ташкилотлар тақдим этади.

Агар ушбу корхоналарда йил учун жами даромад мавжуд бўлмаса, улар фойда солиғи бўйича ҳисоботни топшириши шарт эмас.

**Солиқ худди ўша муддатларда тўланади**. Бунда ҳисобот даври учун бўнак тўловлари шу давр учун солиқни тўлаш ҳисобига ҳисобга олинади.

Бу ерда қуйидаги вариантлар бўлиши мумкин:

- жорий тўловлар ҳисоб-китоб бўйича фойда солиғидан *кўп.* Бу ҳолатда фойда солиғини тўлаш лозим эмас, сабаби у бўнак тарзида тўланган. Жорий тўловларнинг ҳисоб-китоб бўйича солиқдан ошишини кейинги жорий тўлов ҳисобига ҳисобга олинг;
- жорий тўловлар ҳисоб-китоб бўйича фойда солиғига *тўғри келди.* Фойда солиғини ҳам тўлаш лозим эмас, сабаби у бўнак тарзида тўланган;
- жорий тўловлар ҳисоб-китоб бўйича фойда солиғидан *кам.* Бу ҳолатда ҳисоб-китоб бўйича солиқ билан жорий тўловлар ўртасидаги фарқни белгиланган муддатларда қўшимча тўлаш лозим.

Агар сиз жорий тўловларни тўламаган бўлсангиз, ҳисоб-китоб бўйича ҳисоблаб чиқарилган фойда солиғини ҳисобот тақдим этиш муддатларида тўланг.

***Умид ҲАМРОЕВ,***
*ЎзР Молия вазирлиги бевосита солиқлар бошқармаси бошлиғи.*

Маълумотларда қуйидагиларни албатта кўрсатинг:

- сиз шуғулланадиган фаолият турларини;
- ҳисобот даври учун ходимларнинг ўртача сонини;
- кадастр ҳужжатларига кўра ер участкаси (участкалар) нинг умумий майдонини, гектарда.

Ушбу маълумотларсиз ҳисобот юборилмайди.

> *Маълумотларда қуйидагиларнинг сони кўрсатилиши лозим бўлган катаклар мавжуд:*
> - *Ўзбекистон касб-ҳунар коллежларининг, академик лицейларининг ва олий таълим муассасаларининг битирувчилари;*
> - *касаначиларнинг;*
> - *унитар (шуъба) корхоналарда, ваколатхоналар ва филиалларда ишлаётган ходимларнинг.*
>
> *Ушбу катакларни фақат йиллик ҳисоботда тўлдиринг.*

**1-иловани** бошқа даромадларингиз мавжуд бўлганда тўлдириш зарур *(Солиқ кодексининг 132-моддаси).*

**2-илова** фақат солиқ солиш объекти сифатида қаралмайдиган даромадларингиз мавжуд бўлганда тўлдирилади *(Солиқ кодексининг 355-моддаси).*

**3-илова** фақат муайян маблағлар ҳисобига солиқ солинадиган ялпи тушумни камайтирганингизда тўлдирилади *(Солиқ кодексининг 356-моддаси).*

Маблағларни инвестицияларга йўналтирган ва камайтиришни 3-иловада акс эттириб, солиқ солинадиган ялпи тушумни ушбу суммага камайтирган бўлсангиз, **4-иловани** тўлдиринг.

Ўзбекистондан ташқарида даромадлар (дивидендлар ва фоизлардан ташқари) олган бўлсангиз, **5-илова** тўлдирилади. Унда ЯСТни тўлаш чоғида ҳисобга олишингиз мумкин бўлган, Ўзбекистондан ташқарида тўланган фойда солиғи акс эттирилади.

Ўзбекистондан ташқарида дивидендлар ва (ёки) фоизлар олган бўлсангиз, **6-иловани** тўлдириш шарт.

Электрон тижорат иштирокчиларининг миллий реестрига ***(https://e-tijorat.uz)*** киритилган бўлсангиз, **7-иловани** тўлдиришингиз зарур.



> *Электрон тижорат иштирокчиларининг миллий реестрига киритилган хўжалик юритувчи субъектлар 2% ставка бўйича ЯСТ тўлайдилар (14.05.2018 йилдаги ПҚ-3724-сон қарорнинг 11-банди).*

## Ҳисоботнинг барча шакллари тўлдирилгандан кейин нима қилинади

ЯСТ бўйича ҳисоботнинг барча шаклларини тўлдиргандан сўнг:

- ҳисоботни сақлаб қўйишингиз ва кейинроқ жўнатишингиз;
- ҳисоботни дарҳол жўнатишингиз мумкин.

Жўнатган ҳисоботингиз «Ишлов бериш жараёнида» бўлимига жойлаштирилади. Ҳисоботга ишлов бериш жараёнида тегишли катаклари тўғри ва тўлиқ тўлдирилгани автоматик равишда текширилади.

«Журнал» бўлимида ҳисоботнинг ҳолатини – солиқ органлари томонидан қабул қилингани ёки хатолар мавжудлиги сабабли қабул қилиниши рад этилганини текшириш мумкин.

***Ирина АХМЕТОВА,***
*«Norma» МЧЖ эксперти.*


**РЕКЛАМА**

NORMA

«КИЧИК КОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»

ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1. Тел. (71) 200-00-90.

E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz



# ЯГОНА СОЛИҚ ТЎЛОВИ: ҲИСОБЛАШ ВА ТЎЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ*

## ЯСТ СУММАСИ ҚАНДАЙ ҲИСОБЛАНАДИ

Ҳисобот давридаги ЯСТ суммасини ҳисоб-китоб қилиш учун:
1) солиқ солинадиган базани аниқланг;
2) уни солиқ ставкасига кўпайтиринг.

| Солиқ солинадиган база | = | Реализация қилишдан тушган тушум | + | Бошқа даромадлар | – | Чегирмалар ва камайтиришлар *(СК 356-м.)* |
|---|---|---|---|---|---|---|

| ЯСТ суммаси | = | Солиқ солинадиган база | x | Солиқ ставкаси |
|---|---|---|---|---|

ЯСТ ставкалари фаолият турлари бўйича тақсимланган *(2019 йил учун – 26.12.2018 йилдаги ПҚ-4086-сон қарорга 7-иловада).*

***МИСОЛ. Улгуржи савдо корхонасининг ЯСТни ҳисоб-китоб қилиши***

*Улгуржи савдо корхонаси 150 000 минг сўмлик товар туркумини реализация қилган. 2019 йил 3 март куни харидордан 15%лик олдиндан тўлов (22 500 минг сўм) олинган. 5 март куни товар харидорга юклаб жўнатилган, 7 март куни эса у етказиб берувчи билан узил-кесил ҳисоб-китоб қилган. Бу I чоракда ягона битим бўлган, дейлик.*
*2019 йилда улгуржи савдо корхоналари учун ЯСТ ставкаси товар оборотининг 4%и миқдорида белгиланган. Бинобарин, ЯСТ суммаси 6 000 минг сўмни ташкил этади ва март ойида – юклаб жўнатилган ойда ҳисобланиши керак эди.*

---

**Охири. Боши «СБХ»нинг 21.01.2020 йилдаги 3(1327) ва «Норма маслаҳатчи»нинг 28.01.2020 йилдаги 4(757)-сонида.*

Бир неча фаолият тури билан шуғулланган бўлсангиз, улар бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритишингиз ва ҳар бирига тегишли ставка бўйича солиқ солишингиз керак эди *(Солиқ кодексининг** 353-моддаси)*. Бухгалтерия регистрларида қандай операция ва қандай даромадлар фаолиятнинг қайси турига кириши кўриниб туриши учун алоҳида-алоҳида ҳисоб юритилади.

***ВАЗИЯТ. Корхона турли ставкалар бўйича ЯСТ солинадиган бир неча фаолият тури билан шуғулланади***

*ЯСТ тўловчи корхона қуйидаги фаолият турлари билан шуғулланади:*

- *товар оборотига 4%лик ставка бўйича ЯСТ солинадиган чакана савдо;*
- *воситачилик ҳақига 25%лик ставка бўйича солиқ солинадиган воситачилик савдоси (воситачилик хизматлари);*
- *автомобилларни таъмирлаш хизматларини кўрсатиш – 4%лик ставка бўйича солиқ солинади.*

*Корхона ҳар бир фаолият бўйича реализация қилишдан тушган тушумни алоҳида ҳисобга олиши ва унга ушбу фаолиятга мувофиқ келувчи ставка бўйича ЯСТ солиши керак эди.*

*Бошқа даромадларга асосий фаолият турига мувофиқ келувчи ЯСТ ставкаси бўйича солиқ солинган. Ҳисобот даври якунлари бўйича умумий реализация қилиш ҳажмидаги соф тушум улуши устунлик қиладиган фаолият асосий фаолият тури ҳисобланган (Солиқ кодексининг 22-моддаси). ЯСТ ортиб борувчи якун билан ҳисоблангани сабабли бошқа даромадлар бўйича солиқ ставкасини аниқлаш учун асосий фаолият турини ҳам ортиб борувчи якун билан аниқлаш керак эди.*

***МИСОЛ. Бошқа даромадлар бўйича ЯСТ ставкасини аниқлаш***

*ЯСТ тўловчи корхона Тошкентда рўйхатдан ўтказилган, умумий овқатланиш, воситачилик ва чакана савдо билан шуғулланади. Бундан ташқари, ҳисобот даврида жойларни ижарага берган ва асосий воситани сотишдан даромад олган. 2019 йил 9 ойидаги фаолият кўрсаткичларидан келиб чиқиб, корхона ЯСТни қуйидагича ҳисоблаши керак эди:*

| Ҳисобот даври | Фаолият турлари бўйича тушум, минг сўмда | | | | Асосий фаолият тури | Бошқа даромадлар бўйича ЯСТ ставкаси |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | умумий овқатланиш (ЯСТ ставкаси 8%) | воситачилик савдоси (ЯСТ ставкаси 25%) | чакана савдо (ЯСТ ставкаси 4%) | бошқа даромадлар | | |
| I чорак | 50 000 | 20 000 | 60 000 | 3 000 | чакана савдо | 4% |
| ЯСТ = 50 000 х 8% + 20 000 х 25% + 60 000 х 4% + 3 000 х 4% = 11 520 минг сўм | | | | | | |
| I ярим йиллик | 120 000 | 50 000 | 110 000 | 8 000 | умумий овқатланиш | 8% |
| ЯСТ = 120 000 х 8% + 50 000 х 25% + 110 000 х 4% + 8 000 х 8% = 27 140 минг сўм | | | | | | |
| 9 ой | 175 000 | 70 000 | 180 000 | 11 000 | чакана савдо | |
| ЯСТ = 175 000 х 8% + 70 000 х 25% + 180 000 х 4% + 11 000 х 4% = 38 700 минг сўм | | | | | | |

## Имтиёзлар қандай қўлланилади

ЯСТ бўйича имтиёзлар қуйидаги кўринишда тақдим этилган:

- солиқ тўлашдан озод қилиш;
- солиқ солинадиган базани камайтириш;
- пасайтирилган ставкаларни қўллаш.

Солиқ кодексидан ташқари, имтиёзлар Президент ва Ҳукумат қарорлари билан тақдим этилиши мумкин эди.

## ЯСТ тўлашдан озод қилиш кўринишида

ЯСТ тўлашдан озод қилиш кўринишидаги имтиёзлар ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, «Нуроний» жамғармаси ва «Ўзбекистон чернобилчилари» ассоциацияси мулкида бўлган корхоналарга доимий асосда тақдим этилган. Ушбу имтиёздан фойдаланиш учун корхона қуйидаги шартларга риоя этиши керак эди *(Солиқ кодексининг 358-моддаси)*:

- ишловчилари умумий сонининг камида 50%ини ногиронлар, 1941–1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийлари ташкил этиши керак эди;
- у савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти ҳамда лотереялар ташкил этиш фаолияти билан шуғулланмаслиги керак эди.



***Мазкур тушунтиришларда 1.01.2020 йилгача амалда бўлган Солиқ кодексининг қоидалари келтирилган.*

***МИСОЛ. ЯСТни тўлаш чоғида Ўзбекистондан ташқарида тўланган фойда солиғини ҳисобга олиш***

*ЯСТ тўловчи Ўзбекистон қурилиш компанияси доимий муассаса орқали Россияда завод қурган. Ишларни реализация қилишдан тушган жами тушумдан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқарилган солиқ солинадиган база солиқ даврида 925 000 минг сўмни, шу жумладан Россияда олингани 840 000 минг сўмни ташкил этган. Бажарилган ишлар учун тўлов АҚШ долларида тўланган. Россияда олинган даромаддан РФ қонунчилигига мувофиқ 49 200 минг сўм миқдорида фойда солиғи тўланган.*

*Ўзбекистонда қурилиш корхоналари учун ЯСТ ставкаси 4%ни ташкил этган. Тегишинча, компания жами ялпи тушумдан тўлаши керак бўлган ЯСТ 37 000 минг сўмни (925 000 х 4%) ташкил этган.*

*Россия Федерацияси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида Даромадлар ва мулкка иккиёқлама солиқ солмаслик тўғрисида битим (ЎзР ОКнинг 6.05.1994 йилдаги 1075-XII-сон қарори билан ратификация қилинган) амал қилади. Шу тариқа, Россияда тўланган солиқ суммаси белгиланган талабларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистонда ҳисобга олиниши мумкин.*

*Компания ЯСТни тўлаш чоғида ҳисобга олиши мумкин бўлган солиқ суммасини аниқлаш учун Россияда олинган тушумдан ЯСТ суммасини Ўзбекистон қонунчилигига мувофиқ ҳисоблаш зарур эди.*

*Россияда олинган даромадлар бўйича ССБ 840 000 минг сўмни ташкил этган. Тегишинча, ушбу даромадлардан ЯСТ 33 600 минг сўмга (840 000 х 4%) тенг. Ўзбекистонда ЯСТни тўлаш чоғида айнан ушбу сумма ҳисобга олиниши мумкин эди. Бунда 15 600 минг сўм (49 200 – 33 600) ҳисобга олинмайди.*

*Шу тариқа, Ўзбекистон бюджетига 3 400 минг сўм (37 000 – 33 600) миқдорида ЯСТ тўланган.*

## Ҳисобот топшириш муддатлари

ЯСТ бўйича ҳисобот даври йил чораги ҳисобланиши боис солиқ ҳисоботини ҳар чоракда, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай тақдим этиш керак. Йиллик ЯСТ ҳисоб-китоби йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатларда тақдим этилади.

## Ҳисоботни тўлдириш

ЯСТ бўйича ҳисоб-китобни тўлдириш ва ДСИга тақдим этиш учун электрон рақамли имзоингиз (ЭРИ) воситасида ***www.my.soliq.uz*** сайтидаги солиқ тўловчининг шахсий кабинетига кириш ва 10104_19 кодли ҳисоботни танлаш лозим.

ЯСТ бўйича ҳисобот таркибига қуйидагилар киради:




- Ягона солиқ тўлови тўловчиси тўғрисида маълумотлар;
- Ягона солиқ тўлови ҳисоб-китоби;
- Ҳисоб-китобга 1-илова «Бошқа даромадлар»;
- Ҳисоб-китобга 2-илова «Солиқ солиш объекти сифатида қаралмайдиган даромадлар»;
- Ҳисоб-китобга 3-илова «Солиқ солинадиган ялпи тушумнинг камайтирилиши»;
- Ҳисоб-китобга 4-илова «Инвестицияларга йўналтирилган маблағлар суммаси ҳисоб-китоби»;
- Ҳисоб-китобга 5-илова «Ҳисобга олиниши лозим бўлган Ўзбекистондан ташқарида тўланган фойда солиғи суммаси»;
- Ҳисоб-китобга 6-илова «Ўзбекистон резидентлари томонидан республикадан ташқарида олиниши лозим бўлган (олинган) дивиденд ва фоизлар кўринишидаги даромадлардан юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг ҳисоб-китоб-маълумотномаси»;
- Ҳисоб-китобга 7-илова «Электрон тижорат орқали товарлар (хизматлар)ни реализация қилишдан соф тушум ҳисоб-китоб-маълумотномаси».

*Ҳисоботнинг фақат кўк рангли катакларини тўлдиринг. Сариқ ранглиларини дастур автоматик равишда тўлдиради.*

## Қайси иловалар тўлдирилади

Ҳисоботни сўмда, йил бошидан ортиб борувчи якун билан тўлдиринг.

*Фақат маълумотлар мавжуд бўлган иловаларни тўлдиринг (17.04.2008 йилдаги МВ ва ДСҚнинг ЁТ/04-01-32-14/327-сон ва 16/1-4090-сон ахбороти).*

## Тўлаш муддати кечиктирилганда ҳисобот тақдим этиш

ЯСТ тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқини олиш солиқ ҳисоботини тақдим этиш керак эмас, деган маънони англатмаган. Тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқи берилган даврда ДСИга белгиланган тартибда – ҳар чоракда, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунига қадар ЯСТ ҳисоб-китобини тақдим этиш керак бўлган. Бироқ Ҳисоб-китобнинг ўнгдаги юқори бурчагига *«Ягона солиқ тўловини тўлаш муддати кечиктирилган»* белгисини қўйиш зарур бўлган.

Тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқини бериш муддати чорак охирига қадар тугаса, ушбу давр учун 2 та ҳисобот тақдим этиш керак эди:

- тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқи амал қилган давр учун – тўлаш муддати кечиктирилганлиги ҳақида белги қўйилган ЯСТ ҳисоб-китоби (маълумотнома-ҳисоб-китоб);
- қолган давр учун – умумбелгиланган шаклдаги ЯСТ ҳисоб-китоби.

***МИСОЛ. Тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқи чорак охирига қадар тугаганда ҳисобот тақдим этиш***

*Корхонага ЯСТ тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқи берилган, унинг муддати 2019 йил 1 августда тугаган. Бу ҳолда корхона 25 октябргача ЯСТ бўйича ҳисоботни қуйидаги тартибда тақдим этиши керак эди:*

- *июль ойи учун – ЯСТ маълумотнома-ҳисоб-китоби;*
- *август ва сентябрь ойлари учун – ЯСТ ҳисоб-китоби.*

## Тўлаш муддати кечиктирилишини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш

ЯСТни тўлаш муддати кечиктирилиши бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилган:

| *Хўжалик операциясининг мазмуни* | *Счётлар корреспонденцияси* | |
|---|---|---|
| | *дебет* | *кредит* |
| *ЯСТ ҳисоблангани акс эттирилган* | *9820-«Фойдадан ҳисобланган бошқа солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича харажатлар»* | *6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»* |
| *Ҳисобланган ЯСТ мддати кечиктирилган тўлов суммаларига ўтказилгани акс эттирилган* | *6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»* | *6240-«Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар»* |
| *Тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқи тугаганда ЯСТнинг бир қисмини тўлаш мажбурияти акс эттирилган* | *6240-«Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича кечиктирилган мажбуриятлар»* | *6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»* |
| *Тўлаш муддати кечиктирилган ЯСТнинг бир қисми тўлангани акс эттирилган* | *6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)»* | *5110-«Ҳисоб-китоб счёти»* |

## ЯСТни тўлаш чоғида ЎзРдан ташқарида тўланган фойда солиғини ҳисобга олиш

ЯСТ бўйича солиқ солинадиган базани аниқлаётганда Ўзбекистондан ташқарида олинган даромадларни ҳам, агар улар мавжуд бўлса, ҳисобга олиш зарур эди. Ўз бўлинмаларингиз (доимий муассасаларингиз) орқали бошқа давлатларда тадбиркорлик фаолиятини юритган бўлсангиз, улар реализация қилишдан олган тушумни ҳам ялпи тушумга киритишингиз зарур эди. Чет давлатда унинг қонун ҳужжатларига мувофиқ фойда солиғини ёки даромаддан олинадиган қандайдир бошқа солиқни тўлаб, Ўзбекистонда ЯСТни тўлаш чоғида халқаро шартномаларга мувофиқ уни ҳисобга олишингиз мумкин эди *(Солиқ кодексининг 361-моддаси)*.



Солиқ Ўзбекистондан ташқарида тўланганини тасдиқловчи қуйидаги ҳужжатлар ҳисобга олиш учун асос бўлган:

- тўлов хабарномаси;
- чет давлат солиқ органининг маълумотномаси;
- чет элда солиқ тўланганлиги фактини тасдиқловчи бошқа ҳужжат.

*Халқаро шартномада солиқни Ўзбекистон ҳудудида тўлаш назарда тутилган бўлса, ундан ташқарида тўланган солиқ ҳисобга олинмайди. Сиз даромад олган мамлакат билан халқаро шартнома тузилмаган бўлса, ушбу мамлакатда тўланган солиқни ҳам ҳисобга олиб бўлмайди.*

*Халқаро шартномаларда ўз давлатидан ташқарида тўланган фойда солиғини ҳисобга олишнинг қуйидаги қоидалари белгиланган: чегирма суммаси ўз мамлакатидан ташқарида даромад олган юридик шахс солиқ резиденти бўлган давлатнинг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва қоидаларига мувофиқ ҳисобланган даромад солиғи суммасидан ошиши мумкин эмас.*

*Жамоат бирлашмалари, жамғармалар ва ассоциациялар мулкида бўлиш уларнинг корхона устав капиталидаги улуши 100%ни ташкил этишини англатади (17.11.1999 йилдаги 502-сон ВМҚ билан тасдиқланган Низомнинг 5-банди).*

Президентнинг алоҳида қарорлари ва фармонлари билан *муайян муддатга* ЯСТ тўлашдан озод қилиш кўринишидаги имтиёзлар тақдим этилган. Солиқ кодексида бундай ҳуқуқ фақат кўп тармоқли фермер хўжаликлари – ягона ер солиғини тўловчиларга берилган. Улар кўп тармоқли фермер хўжаликлари реестрига киритилган кундан бошлаб қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштириш билан боғлиқ бўлмаган бошқа даромад турлари бўйича ЯСТни тўлашдан 5 йил муддатга озод этилган *(Солиқ кодексининг 358-моддаси)*.

## Ставкани пасайтириш кўринишида

ЯСТ ставкасини пасайтириш кўринишидаги имтиёз, одатда, фаолиятнинг устувор турларини рағбатлантириш учун тақдим этилган.

***МИСОЛ. Солиқ ставкасини пасайтириш кўринишидаги ЯСТ бўйича имтиёз***
*Асосий фаолият тури бўйича гўшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослашаётган кичик бизнес субъектлари 2021 йил 1 январгача ЯСТни 50%га пасайтирилган ставка бўйича тўлайдилар. Имтиёз – мақсадли, уни қўллаш натижасида бўшайдиган маблағлар ишлаб чиқариш корхоналарини техникавий қайта жиҳозлаш ва модернизациялашга, шу жумладан янги лабораториялар барпо этиш ва мавжудларини жиҳозлашга, янги маҳсулот турлари ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга, хом ашё базасини ривожлантиришга йўналтирилиши керак эди (26.01.2009 йилдаги ПҚ-1047-сон қарорнинг 8-банди; 29.12.2015 йилдаги ПҚ-2460-сон қарорнинг 8-банди).*

## Солиқ солинадиган базани камайтириш кўринишида

Қуйидаги ҳолларда ЯСТ бўйича солиқ солинадиган базани камайтиришингиз мумкин эди:

- янги технологик асбоб-ускуналарни олган бўлсангиз;
- сифатни бошқариш тизимларини жорий этган бўлсангиз;
- маҳсулотларнинг халқаро стандартларга мувофиқлигини сертификатлаштиришдан ўтказган бўлсангиз;
- лаборатория тестлари ва синовларини ўтказиш учун комплекслар олган бўлсангиз.



Бундай ҳолларда ССБни юқорида кўрсатилган харажатлар амалга оширилган солиқ давридан бошлаб, технологик асбоб-ускуна бўйича эса – у фойдаланишга топширилган пайтдан бошлаб 5 йил ичида камайтириш мумкин эди. Бунда чегирма ССБнинг 25%идан ошиши мумкин эмас эди *(Солиқ кодексининг 356-моддаси 3-қисми)*.

*Маҳсулот, ишлар ва хизматларни ишлаб чиқаришда бевосита иштирок этадиган машиналар, аппаратлар, қурилмалар, механизмлар янги технологик асбоб-ускуна деб тан олинади. Бироқ улар чиқарилган санадан бошлаб 3 йилдан ошмаган бўлиши керак (АВ томонидан 25.08.2017 йилда 2918-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 2-банди).*

***МИСОЛ. ЯСТ бўйича ССБни янги технологик асбоб-ускуна қийматига камайтириш***
*ЯСТ тўловчи ишлаб чиқариш корхонаси 2019 йил январь ойида 100 000 минг сўмлик янги технологик асбоб-ускуна сотиб олиб, февраль ойида уни фойдаланишга киритган.*
*ЯСТни ҳисоб-китоб қилиш учун солиқ солинадиган база қуйидаги тартибда камайтирилган:*

| *Ҳисобот даври* | *ЯСТ бўйича солиқ солинадиган база, минг сўмда* | *Ҳисобот даврида камайтириладиган сумма (ССБнинг 25%и), минг сўмда* |
|---|---|---|
| *I чорак* | *70 500* | *17 625* |
| *I ярим йиллик* | *128 400* | *32 100* |
| *9 ой* | *190 800* | *47 700* |
| *йил* | *242 900* | *60 725* |

*Жадвалга кўра корхона бир йилда солиқ солинадиган базани фақат 60 725 минг сўмга камайтириши мумкин. Қолган сумма – 39 275 минг сўм (100 000 – 60 725) келгуси солиқ даврларидаги, бироқ 4 йилдан ортиқ эмас, солиқ солинадиган базани камайтиради.*

Фойдаланишга киритилаётган янги технологик асбоб-ускуна бўйича имтиёзни қўллаш ҳуқуқини тасдиқлаш учун ДСИга Ягона солиқ тўлови ҳисоб-китоби *(9-илова, АВ томонидан 21.01.2019 йилда 3126-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* билан бирга махсус Фойдаланишга киритилган янги технологик жиҳоз тўғрисида маълумотномани *(2918-сон Низомга илова)* тақдим этинг.

> **!** *Имтиёз қўлланган технологик асбоб-ускунани харид қилган пайтдан бошлаб 3 йил ичида сотиб юборсангиз ёки текинга берсангиз, ЯСТ бўйича ССБни камайтирадиган суммани тиклаш, солиқни эса тўлашга тўғри келади (2918-сон Низомнинг 18-банди).*

Ёш оилалар жумласидан бўлган ходимларингизга ипотека кредитлари бўйича бадаллар тўлашга ва (ёки) мулк қилиб уй-жой олишга маблағларни текин йўналтирган бўлсангиз ҳам ЯСТ бўйича солиқ солинадиган базани камайтиришингиз мумкин эди. Бунда чегирма ССБнинг 10%идан ошиши мумкин эмас эди *(Солиқ кодексининг 356-моддаси)*.

> **!** *Ёш оила тоифасига турмуш қурганларнинг ёши 30 ёшдан ошмаган ёки болаларни (болани) 30 ёшдан ошмаган ота-онадан бири, шу жумладан турмушидан ажрашган эркак (аёл), бева (бева аёл) кишилар тарбиялаётган оилалар киритилади (18.05.2007 йилдаги ПФ-3878-сон Фармоннинг 3-банди).*

***МИСОЛ. ЯСТ бўйича ССБни ёш оила учун уй-жой олишга йўналтирилган маблағлар суммасига камайтириш***

*ЯСТ тўловчи корхона 2019 йил январь ойида ёш оилалар жумласидан бўлган ходимларига уй-жой олиш учун 30 000 минг сўм ўтказган. Жорий солиқ даврида (йил) корхона фаолият кўрсаткичлари қуйидагича бўлган (минг сўмда):*

| ***Ҳисобот даври*** | ***Фаолият турлари бўйича тушган тушум*** | | | ***Бошқа даромадлар*** | ***Жами тушум (солиқ солинадиган база) ортиб борувчи якун билан*** |
|---|---|---|---|---|---|
| | ***ишлаб чиқариш/ реализациядан умумий тушумдаги салмоғи (бошқа даромадларни ҳисобга олмаганда)*** | ***савдо/ реализациядан умумий тушумдаги салмоғи (бошқа даромадларни ҳисобга олмаганда)*** | ***хизматлар/ реализациядан умумий тушумдаги салмоғи (бошқа даромадларни ҳисобга олмаганда)*** | | |
| *I чорак* | *50 000 / 33%* | *70 000 / 47%* | *30 000 / 20%* | *20 000* | *170 000* |
| *I ярим йиллик* | *110 000 / 38%* | *100 000 / 34%* | *80 000 / 28%* | *30 000* | *320 000* |
| *9 ой* | *150 000 / 33%* | *130 000 / 28%* | *180 000 / 39%* | *40 000* | *500 000* |
| *йил* | *180 000 / 30%* | *200 000 / 33%* | *220 000 / 37%* | *50 000* | *650 000* |

*Кўрсатилган маблағлар ҳисобига ССБни камайтирадиган сумма камайтириш фоизини (10%) барча фаолият турлари, шу жумладан бошқа даромадлар бўйича ялпи тушумга кўпайтириш йўли билан ҳисобланади. Умумий камайтириш суммаси реализациядан умумий тушумдаги салмоғидан келиб чиқиб, корхонанинг барча фаолият турлари бўйича тақсимланади.*

*<u>I чорак якунларига кўра</u> корхонанинг асосий фаолият тури савдо ҳисобланган. Солиқ солинадиган ялпи тушум, шу жумладан бошқа даромадлар 170 000 минг сўмга тенг бўлган. Чорак якунларига кўра энг юқори камайтириш суммаси 17 000 минг сўмни (170 х 10%) ташкил этган.*

*Ҳар бир фаолият тури бўйича тушумни камайтирадиган сумма реализациядан тушумнинг умумий ҳажмидаги салмоғидан келиб чиқиб ҳисобланган ва қуйидаги соҳаларда ушбу суммани ташкил этган:*

- *савдо – 7 990 минг сўм (17 000 х 47%);*
- *ишлаб чиқариш – 5 610 минг сўм (17 000 х 33%);*
- *хизматлар – 3 400 минг сўм (17 000 х 20%).*

*I чорак якунларига кўра имтиёзни ҳисобга олганда ЯСТ бўйича ССБ 153 000 минг сўмга (170 000 – 17 000) тенг, шу жумладан қуйидаги соҳаларда:*

- *савдо – 82 010 минг сўм (70 000 + 20 000 – 7 990);*
- *ишлаб чиқариш – 44 390 минг сўм (50 000 – 5 610);*
- *хизматлар – 26 600 минг сўм (30 000 – 3 400).*

*<u>II чорак якунларига кўра</u> асосий фаолият тури ишлаб чиқариш ҳисобланган. Корхонанинг солиқ солинадиган ялпи тушуми, шу жумладан бошқа даромадлар 320 000 минг сўмга тенг бўлган. Уни 32 000 минг сўмга (320 000 х 10%) камайтириш мумкин. Бироқ уй-жой олиш учун 30 000 минг сўм сарфлангани сабабли фақат ушбу сумма чегирилган.*

*I ярим йиллик якунларига кўра ҳар бир фаолият тури бўйича тушумни камайтирадиган сумма қуйидаги соҳаларда ушбу суммани ташкил этган:*



*Солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловларни тўлаш учун тўлов топшириқномасини хизмат кўрсатаётган банкка тақдим этмаганлик ёки ўз вақтида тақдим этмаганлик учун корхонанинг мансабдор шахсларига БҲМнинг 3 бараваридан 5 бараваригача миқдорда жарима солинади. Бир йил давомида такрор содир этилганда жарима БҲМнинг 5 бараваридан 10 бараваригача миқдорни ташкил этади (МЖТКнинг 175-моддаси).*

## Тўлаш муддатини кечиктириш

Янги ташкил этилган юридик шахслар – ЯСТ тўловчиларга солиқ таътиллари тарзида солиқ тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқи берилиши мумкин эди *(Солиқ кодексининг 54-моддаси)*. Корхонангиз рўйхатдан ўтказилган ойнинг 1-кунидан бошлаб ЯСТ тўлаш муддатлари 1 йилга кўчирилади. Тўлашни кечиктириш ҳуқуқи бир йилдан камроқ муддатга ҳам берилиши мумкин *(АВ томонидан 2.08.2005 йилда 1502-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низом)*.

*Янги ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарга белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган корхоналар киради. Қуйидаги корхоналар бундан мустасно:*
*илгари фаолият юритган юридик шахслар, уларнинг филиаллари ва таркибий бўлинмалари базасида ташкил этилган;*
*башарти улар ана шу корхоналардан ижарага олинган ускуналарда ишлаётган бўлсалар, бошқа корхоналар ҳузурида ташкил этилган корхоналар.*

***МИСОЛ. Янги ташкил этилган корхонанинг ЯСТ тўлаш муддатини кечиктириш даврини аниқлаш***
*2019 йил 15 октябрда рўйхатдан ўтказилган кичик ишлаб чиқариш корхонаси ЯСТ тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқини беришларини сўраб ДСИга ариза тақдим этган. Солиқ органи ижобий қарор қабул қилганда корхонага 2019 йил 1 октябрдан 2020 йил 1 октябргача бўлган давр учун тўлов муддатини кечиктириш ҳуқуқи берилиши мумкин эди.*

*Қуйидаги корхоналар ЯСТ тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга эмас эди:*
*савдо ва умумий овқатланиш корхоналари;*
*лотереяларни ташкил этиш фаолиятини амалга ошириш доирасида юридик шахслар.*

ЯСТ тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқини олиш учун солиқни тўлашнинг биринчи муддатидан камида 15 кун олдин ДСИга ариза *(9-илова, АВ томонидан 3126-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* топшириш керак эди. ДСИ 3 кун мобайнида уни кўриб чиқиб, сизга тўлаш муддатини кечиктириш ёки рад этиш тўғрисида қарор чиқарган.

Қуйидаги ҳолларда тўлаш муддатини кечиктириш рад этилиши мумкин эди:

- ариза белгиланган шаклда тақдим этилмаган бўлса;
- ариза белгиланган муддатдан кейин топширилса;
- корхона ЯСТ тўловчиси ҳисобланмаса.

Бошқа сабабларга кўра рад этишга йўл қўйилмаган.

Муддати кечиктирилган тўлов суммаларини имтиёзли давр тугаганидан сўнг ҳар ойнинг 25-кунига қадар 12 ой давомида тенг улушлар билан тўлаш керак эди. Қарз суммасини муддатидан аввал сўндиришингиз ҳам мумкин эди. Бунда ойлик тўлов ЯСТнинг ҳисоблаб ёзилган йиллик суммасининг 1/12 қисмидан кам бўлмаслиги керак эди.

Бир йиллик муддат тугагунига қадар тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқини бундан кейин қўллашдан бош тортишга ҳақли бўлгансиз. Бу ҳолда ДСИга бош тортиш тўғрисида ариза топшириш керак эди. Ариза топширган ойдан бошлаб ЯСТ белгиланган муддатларда тўланган.



*Тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқини қўллашдан бош тортиш тўғрисидаги ариза шакли солиқ ҳисоботи шакллари таркибида тасдиқланмаган. Шу сабабли уни эркин шаклда расмийлаштириб, ДСИга ёзма шаклда тақдим этиш мумкин бўлган.*

ЯСТ тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқи берилган даврда солиқ солиш тизимини ўзгартирган бўлсангиз, ўтган пайтингиздан бошлаб тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқидан маҳрум бўлгансиз.

Тўлаш муддатини кечиктириш ҳуқуқини қўллашдан ихтиёрий бош тортганда ёки солиқ солиш тизимини ўзгартирганда тўлаш муддати кечиктирилган ЯСТ суммаси ҳам ҳар ойнинг 25-кунига қадар 12 ой давомида тенг улушлар билан тўланган.

# ЯСТ ҚАНДАЙ ТЎЛАНАДИ ВА ҲИСОБОТ ҚАНДАЙ ТАҚДИМ ЭТИЛАДИ

## Тўлаш муддатлари

Календарь йил ЯСТ бўйича солиқ давридир, йил чораги эса ҳисобот давридир *(Солиқ кодексининг 359-моддаси).*

*Солиқ даври у тугаганидан кейин солиқ солинадиган база аниқланадиган ҳамда солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов суммаси ҳисоблаб чиқариладиган даврдир.*
*Ҳисобот даври – унинг якунлари бўйича ҳисоб-китоблар тақдим этиладиган ҳамда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланиши лозим бўлган давр. Солиқ даври бир неча ҳисобот даврига бўлиниши мумкин (Солиқ кодексининг 29-моддаси).*
*Ҳар бир ҳисобот даври (чорак) тугаши билан солиқ солинадиган базани аниқлаш, ЯСТни ҳисоблаш ва уни бюджетга тўлаш зарур.*

***1-МИСОЛ. Янги ташкил этилган корхонанинг солиқ даврини аниқлаши***
*Корхона 2019 йил 2 декабрда ташкил этилган. У ташкил этилган кун – давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб ўша йилнинг 31 декабригача бўлган давр унинг учун дастлабки солиқ даври ҳисобланади.*

***2-МИСОЛ. Тугатилаётган корхонанинг солиқ даврини аниқлаши***
*Корхона тугатиш жараёнида бўлган. Жорий йил бошидан (1 январь) тугатиш якунланадиган кунгача бўлган давр унинг учун сўнгги солиқ даври ҳисобланади.*

Солиқ солинадиган база ва солиқнинг ўзи ортиб борувчи якун билан ҳисобланиши боис солиқнинг умумий суммасидан навбатдаги тўловни ўтказиш чоғида ўтган ҳисобот даврлари учун тўланган суммани чегириш лозим эди.

***МИСОЛ. Ҳисобот даври учун тўланиши лозим бўлган ЯСТ суммасини аниқлаш***
*4%лик ставкада ЯСТ тўловчи корхона 9 ой якунларига кўра 22 400 минг сўм миқдорида тўланадиган ЯСТни ҳисоблаган. Ярим йил учун ЯСТ суммаси 18 600 минг сўмни ташкил этган. III чорак учун корхона 3 800 минг сўм (22 400 – 18 600) миқдоридаги ЯСТни бюджетга ўтказган.*

2019 йилда ЯСТни қуйидаги муддатларда тўлаш белгиланган эди:
- кичик бизнес учун:
- ҳар чоракда – ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай. Яъни I чорак учун 25 апрелдан, II чорак учун 25 июлдан, III чорак учун 25 октябрдан кечиктирмай ЯСТ тўланади;
- йил якунлари бўйича – йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатдан кечиктирмай;
- қолган солиқ тўловчилар учун:
- ҳар ойда – кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай;
- йил якунлаи бўйича – йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатдан кечиктирмай.

*Йиллик молиявий ҳисобот қуйидаги муддатларда тақдим этилиши белгиланган (АВ томонидан 3.07.2000 йилда 942-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низом):*
- *ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 25 мартидан кечиктирмай – хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар, чет эл фирмаларининг ваколатхоналари ва доимий муассаса орқали Ўзбекистонда фаолият юритувчи норезидентлар учун;*
- *15 февралдан кечиктирмай – бошқа барча учун.*

Онлайн-НКМдан фойдаланишга ўтган ёки ўтмоқчи бўлсангиз, ҳисобланган ва тўланиши лозим бўлган ЯСТ суммасини онлайн-НКМнинг ҳар бирини харид қилиш, ўрнатиш ва ишга тушириш билан боғлиқ харажатлар суммасига камайтиришингиз мумкинлигини инобатга олинг *(6.09.2019 йилдаги ПФ-5813-сон Фармоннинг 3-банди).*

*Қуйидаги шартларга риоя этганда ЯСТ суммасини онлайн-НКМни жорий этиш бўйича харажатлар суммасига камайтириш мумкин:*
- *камайтириш суммаси 10 БҲМдан ошмаслиги керак;*
- *онлайн-НКМ 2021 йил 1 январга қадар солиқ органларида рўйхатга қўйилиши керак.*

Ҳисоб-китоб счётида маблағлар бор-йўқлигига қарамай, ЯСТни тўлаш учун тўлов топшириқномасини белгиланган муддатда банкка жўнатиш зарур. Счётдаги маблағлар етарли бўлмаса, банк тўлов топшириқномасини 2-картотекага қўйиб, маблағ келиб тушишига қараб тўлайди.

- *ишлаб чиқариш – 11 400 минг сўм (30 000 х 38%);*
- *савдо – 10 200 минг сўм (30 000 х 34%);*
- *хизматлар – 8 400 минг сўм (30 000 х 28%).*

*Ярим йиллик якунларига кўра имтиёзни ҳисобга олганда ЯСТ бўйича ССБ 290 000 минг сўмга (320 000 – 30 000) тенг бўлган, шу жумладан қуйидаги соҳаларда ушбу суммани ташкил этган:*

- *ишлаб чиқариш – 128 600 минг сўм (110 000 + 30 000 – 11 400);*
- *савдо – 89 800 минг сўм (100 000 –10 200);*
- *хизматлар – 71 600 минг сўм (80 000 – 8 400).*

*Шу тариқа, ярим йиллик якунларига кўра солиқ солинадиган ялпи тушум ёш оилалар жумласидан бўлган ходимларга уй-жой олиш учун ҳақиқатда сарфланган харажатлар суммасига (30 000 минг сўм) камайтирилган.*

## ҚҚС ихтиёрий равишда тўланганда ЯСТ

ЯСТ тўловчиси бўлган ҳолда ҚҚСни ихтиёрий равишда тўлашга қарор қилган бўлсангиз, ЯСТ суммасини бюджетга тўланиши лозим бўлган ҚҚС суммасига камайтиришингиз керак эди. Бироқ ЯСТни 50%дан кўп бўлмаган миқдорга камайтириш мумкин эди *(Солиқ кодексининг 360-моддаси).*

***МИСОЛ. ҚҚСни ихтиёрий равишда тўловчи корхонанинг ЯСТни ҳисоб-китоб қилиши***

*ЯСТ тўловчи ишлаб чиқариш корхонаси 2019 йилда 4%лик ставкада солиқ солинадиган хизматларни кўрсатган. У ихтиёрий равишда ҚҚС тўлашга ўтди. 2019 йил I чорагидаги фаолият якунларига кўра хизматлар кўрсатишдан ялпи тушум 41 970 минг сўмни ташкил этди, шу жумладан ҚҚС 20%. Ҳисобот даврида олинган ҳисобварақ-фактуралар бўйича ҚҚС суммаси 4 780 минг сўмни ташкил этди.*

*Бюджетга тўланиши лозим бўлган ЯСТ суммасини аниқлаймиз.*

*Аввало ҚҚС суммасини ҳисоблаш зарур:*

- *хизматлар реализацияси бўйича оборотдан ҳисобланган ҚҚС 6 995 минг сўмга (41 970 / 120 х 20) тенг;*
- *бюджетга тўланиши лозим бўлган ҚҚС суммасц – 2 215 минг сўм (6 995 – 4 780);*
- *ЯСТни ҳисоблаш учун солиқ солинадиган база 34 975 минг сўмни (41 970 – 6 995) ташкил этади;*
- *ЯСТ 1 399 минг сўмга (34 975 х 4%) тенг.*

*ЯСТ суммаси бюджетга тўланиши лозим бўлган ҚҚС суммасига (2 215 минг сўм), бироқ ЯСТ суммасининг 50%идан ортиқ бўлмаган суммага, яъни 699,5 минг сўмга (1 399 х 50%) камайтирилади.*

*Шу тариқа, ЯСТ суммаси фақат 50%га камайтирилиши мумкин бўлган ва 699,5 минг сўмни ташкил этади.*

## Ялпи тушумга қачон ва қандай тузатиш киритиш зарур

Қуйидаги ҳолларда ялпи тушумга тузатиш киритишингиз керак эди:

- сотиб олувчи товарни тўлиқ ёки қисман қайтарганда;
- битим шартлари ўзгарганда;
- баҳо ўзгарганда ёки сотиб олувчи сийловдан (скидкадан) фойдаланганда;
- буюртмачи бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлардан воз кечганда.

Ушбу ҳолларда реализация қилинган товарлар, ишлар ва хизматлардан тушган тушум ўзгариши сабабли илгари амалга оширилган реализация қилиш бўйича операциялар юзасидан солиқ солинадиган объект ҳажмига ҳам тузатиш киритилади. Тегишинча, ЯСТ суммаси камайтирилади ёки кўпайтирилади.

> **!** *Реализация қилишдан тушган тушумга фақат 1 йиллик муддат доирасида тузатиш киритиш мумкин эди. Товарлар, ишлар ва хизматлар бўйича кафолат муддати белгиланган бўлса, кафолат муддати доирасида тузатиш киритиш мумкин эди.*

Қайтариш ёки воз кечиш ҳолати юз берган солиқ даврида ялпи тушумга тузатиш киритиш лозим эди.

***1-МИСОЛ. Товар қайтарилганда тушумга тузатиш киритиш учун муддатни аниқлаш***

*Корхона 2018 йил декабрь ойида товарни реализация қилган. Сотиб олувчи брак туфайли товарнинг бир қисмини 2019 йил апрель ойида қайтарган. Реализация қилинган пайтдан буён бир йил ўтмагани сабабли 2019 йил апрель ойида тушумга тузатиш киритиш мумкин эди.*

***2-МИСОЛ. Кафолат муддати белгиланган товар қайтарилганда тушумга тузатиш киритиш учун муддатни аниқлаш***

*Корхона 2017 йил декабрь ойида товарни (асбоб-ускуна-*



*ни) реализация қилган. Ундан фойдаланишнинг кафолат муддати 2 йилни ташкил этади. Агрегатлардан бири ишдан чиққани сабабли сотиб олувчи 2019 йил апрель ойида асбоб-ускунани қайтарган. Кафолат муддати ҳали ўтиб кетмагани сабабли 2019 йил апрель ойида тушумга тузатиш киритиш мумкин эди.*

Тузатиш киритишга олиб келган ҳолатни ҳужжатлар билан расмийлаштириш керак эди. Далолатномалар, маълумотномалар, қўшма баённомалар, шунингдек шартномада тилга олинган бошқа ҳужжатлар тасдиқловчи ҳужжатлар бўлиб хизмат қилиши мумкин эди. Улар асосида қўшимча ҳисобварақ-фактура тузиш лозим эди. Унда қуйидагиларни кўрсатиш керак эди *(Солиқ кодексининг 222-моддаси)*:

- рақами ва тузилган санаси;
- ҳисобварақ-фактурани тўлдиришда зарур бўлган реквизитлар;
- тузатиш киритилаётган ҳисобварақ-фактуранинг рақами ва санаси;
- солиқ солинадиган базага тузатиш киритиш миқдори (салбий ёки ижобий).

ҚҚСни ихтиёрий равишда тўлаган бўлсангиз, қўшимча ҳисобварақ-фактурада қуйидагиларга тузатиш киритиш миқдорини (салбий ёки ижобий) кўрсатиш керак эди:

- ҚҚСни ҳисобга олмаган ҳолда солиқ солинадиган базага;
- ҚҚС суммасига;
- ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда реализация қийматига.

## Товарлар қайтарилганда

Шартнома шартларида сотиб олувчи муайян муддат давомида сотиб олинган товарнинг бир қисмини ёки ҳаммасини қайтариши мумкинлиги назарда тутилган бўлса, агар бу муддат 1 йилдан (ёки кафолат муддатидан) ошмаса, қайтариш чоғида жорий солиқ даврида солиқ солинадиган базани камайтириш керак эди.

***МИСОЛ. Товар қайтарилганда ЯСТ бўйича ССБга тузатиш киритиш***

*ЯСТ тўловчи етказиб берувчи 2018 йил 20 декабрда 12 000 минг сўмлик товарни реализация қилган. Сотиб олувчи ушбу товарлар фойдаланишга яроқсиз эканлигини тасдиқловчи далолатнома асосида товарнинг 2 480 минг сўмлик қисмини 2019 йил 15 октябрда қайтарган.*

*Етказиб берувчи сотиб олувчига ялпи тушумга салбий тузатиш киритиш суммаси – 2 480 минг сўм кўрсатилган қўшимча ҳисобварақ-фактура ёзиб бериб, қайтарилаётган товарни қабул қилиб олишга розилик билдирган.*

*Етказиб берувчи қўшимча ҳисобварақ-фактура асосида жорий солиқ даври – 2019 йилдаги ялпи тушумни 2 480 минг сўмга камайтириш ҳуқуқига эга эди.*

*Сотиб олувчи товарнинг бутун туркумини қайтарганда тузатиш суммаси 12 000 минг сўмни ташкил этган бўларди.*

Бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлардан воз кечилганда тушумга тузатиш киритиш товарлар қайтарилганда тузатиш киритиш сингари амалга оширилади.

## Битим шартлари ўзгарганда

Битим шартлари ўзгарганда ялпи тушум ошиши ҳам, камайиши ҳам мумкин.

***МИСОЛ. Битим шартлари ўзгарганда ЯСТ бўйича ССБга тузатиш киритиш***

*ЯСТ тўловчи етказиб берувчи сотиб олувчидан етказиб бериш қийматининг 15%и миқдорида аванс олганидан кейин 20 000 минг сўмлик товарни 2018 йил 20 декабрда юклаб жўнатган ва ушбу суммани IV чоракдаги ССБга киритган. Шартнома шартларига кўра сотиб олувчи товар юклаб жўнатилганидан ва ҳисобварақ-фактура ёзиб берилганидан кейин 5 кун ичида унинг ҳақини тўлаши керак эди. Бироқ сотиб олувчи алоҳида ҳолатлар юзага келганлиги сабабли етказиб берилган товар ҳақини ўз вақтида тўлай олмаган.*

*Томонларнинг ўзаро келишувига кўра 2019 йил 8 январда шартномага ўзгартириш киритилган, унга мувофиқ сотиб олувчи 15%лик олдиндан тўловдан сўнг кейинги 5 ой давомида ҳар ой 3 500 минг сўмдан тўлаши керак.*

*Шу тариқа, ўзгартирилган шартнома шартларига кўра сотиб олувчига олинган товарлар ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш имкони берилган. Бироқ энди шартнома бўйича етказиб бериш баҳоси 20 500 минг сўмни (20 000 x 15% + 3 500 x 5) ташкил этади. Шу сабабли етказиб берувчи 2019 йил I чораги якунларига кўра солиқ солинадиган базага 500 минг сўмга ошиш томон тузатиш киритиши зарур. Етказиб берувчи шартномага қўшимча келишув имзоланган санада тузиб, сотиб олувчига тақдим этадиган қўшимча ҳисобварақ-фактура бундай тузатиш киритиш учун асос бўлиб хизмат қилади.*

## Баҳо ўзгарганда ёки сотиб олувчи сийловдан (чегирмадан) фойдаланганда

Етказиб берувчи ўзининг маркетинг сиёсатида битимларни тузиш чоғида чегирмалар тизимидан фойдаланганда етказиб берилган товар, бажарилган иш ёки кўрсатилган хизмат учун тўлов камайиши мумкин. Улар қуйидаги ҳолларда тақдим этилиши мумкин:



• етказиб бериш пайтида. Бундай чегирма товар чегирмаси дейилади;

• етказиб беришдан кейин сотиб олувчи шартноманинг муайян шартларини бажарганда. Масалан, сотиб олувчи етказиб берилган товар ҳақини муддатидан аввал ёки белгиланган давр мобайнида тўласа, қўшимча миқдордаги товарга эга бўлади. Бу – пуллик ёки молиявий чегирма.

Етказиб бериш қиймати товар чегирмаси ҳисобига камайса, ушбу етказиб бериш бўйича тушумни тақдим этилган чегирмани ҳисобга олган ҳолда акс эттиришингиз керак эди.

***МИСОЛ. Сотиб олувчи товар чегирмасидан фойдаланганда ЯСТ бўйича ССБга тузатиш киритиш***

*ЯСТ тўловчи «А» ресторани «Gorod Skidok» дисконт карталари эгаларига 15% миқдорида чегирма тақдим этган. Ресторанга ташриф буюрган шахсга 330 минг сўмлик хизматлар кўрсатилган. Хизматлар қиймати ҳисоб-китоб қилингунига қадар «Gorod Skidok» дисконт картаси тақдим этилган.*

*Ресторан ҳисобварақ-фактура ўрнига хизматлар кўрсатилганини тасдиқлаш учун истеъмолчига касса чекини тақдим этган. Унда чегирма ҳисобга олинган хизматлар қиймати – 280,5 минг сўм (330 – 15%) кўрсатилган бўлиши керак.*

*Мазкур ҳолда тушум тақдим этилган чегирма суммаси – 49,5 минг сўмга (330 х 15%) дарҳол камайтирилган. Ресторан келгуси даврларда ССБга тузатиш киритмаган.*



Сотиб олувчи муайян шартномавий шартлар – муддатидан аввал ҳақ тўлагани, маҳсулотларни катта ҳажмда харид қилгани ва бошқа шартларни бажаргани муносабати билан бериладиган пуллик чегирма ҳам чегирмага яна бир мисол бўла олади.

Тўлов дарҳол тўлангани муносабати билан чегирма тақдим этаётганда, сотиб олувчи белгиланган муддатда ҳақ тўлаганидан кейин етказиб бериш бўйича ССБни камайтириш керак эди. Тўлов шартлари бажарилган санадаги чегирма суммасига қўшимча ҳисобварақ-фактура ёзиб бериш керак эди.

***МИСОЛ. Сотиб олувчи пуллик чегирмадан фойдаланганда ЯСТ бўйича ССБга тузатиш киритиш***

*ЯСТ тўловчи етказиб берувчи 2019 йил 27 сентябрда умумий суммаси 90 000 минг сўмни ташкил этадиган товарни жўнатиб, ҳисобварақ-фактура ёзиб берган. Шартномага кўра сотиб олувчи 10 октябргача етказиб берувчи билан тўлиқ ҳисоб-китоб қилса, унга сотиб олинган товар қийматининг 5%и миқдорида чегирма тақдим этилган. Сотиб олувчи 9 октябрда тўловни тўлаб, шартнома шартларига кўра чегирмадан фойдаланган. Чегирмани ҳисобга олганда у 90 000 минг сўм эмас, балки 85 500 минг сўм (90 000 – 5%) тўлаган.*

*Кўриб чиқилаётган вазиятда етказиб берувчи сентябрь ойида 90 000 минг сўмлик етказиб беришни акс эттириши керак эди. Октябрь ойида эса сотиб олувчидан чегирма суммасига камайтирилган тўловни олгач, ССБга 4 500 минг сўмга (90 000 х 5%) камайтириш томон тузатиш киритган ҳолда қўшимча ҳисобварақ-фактура ёзиб бериши керак эди.*

Битим нархи ўзгарганда ҳам ялпи тушумга тузатиш киритишингиз керак эди. Товар ҳисоб-китоб қилинган нархда берилиб, масалан, жаҳон бозорида шунга ўхшаш товар нархи ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда келгусида унга тузатиш киритилиши ҳақида шартлашилганда шундай вазият юзага келиши мумкин эди. Нархга тузатиш киритилганда тузатиш киритиш суммасига қўшимча ҳисобварақ-фактура ёзиб беришингиз керак эди. Бунда нарх ўзгаришига қараб тушум ошиши ҳам, камайиши ҳам мумкин.


## ЭЪЛОН

# «ЖАВОБ БЕРАМИЗ» ИНФОКИОСКИГА ХУШ КЕЛИБСИЗ

**Солиқ солиш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳуқуққа оид мавзулардаги саволларингизга электрон қўлланмалар ва газета материаллари муаллифлари жавоб берадилар.**

*Жавобларни **norma.uz** сайтидаги **«Жавоб берамиз»** эксперт хизмати электрон ахборот киоскасидан топасиз.*

***Саволларни** қуйидагича бериш мумкин:*

✓ *аввал **norma.uz** сайтида рўйхатдан ўтиб, мурожаатни **электрон кўринишда** жўнатган ҳолда;*

✓ ***(71) 200-00-59** бевосита алоқа телефони орқали (душанбадан жумагача соат 10.00 дан 17.00 гача).*




# ТУРИСТИК ЙЎЛЛАНМАЛАРНИ РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШДА ҚҚС

***Корхона – Ўзбекистон резиденти (воситачи) Қозоғистон резиденти бўлган юридик шахсга (комитент) воситачилик хизматларини кўрсатади. Шартномага мувофиқ воситачи комитентнинг топшириғига кўра:***
***1) Ўзбекистон фуқароларига комитентнинг Мисрга турлар бўйича туристик йўлланмаларини реализация қилади;***
***2) комитентнинг турлари учун Тошкент-Қоҳира-Тошкент йўналиши бўйича авиачипталарни брон қилади ва сотиб олади;***
***3) Ўзбекистондаги босма нашрларда комитентнинг реклама материалларини жойлаштиради.***
***Воситачи авиачипталар ва реклама учун комитентнинг туристик турларини реализация қилишдан келиб тушган пул маблағлари ҳисобидан ҳақ тўлайди.***
***2020 йилда комитент ва воситачи учун солиқ солиш тартиби қандай бўлади?***



– Янги таҳрирдаги Солиқ кодексига мувофиқ норезидент томонидан воситачи орқали Ўзбекистон фуқароларига туристик йўлланмаларни реализация қилиш бўйича айланмага ҚҚС солинмайди.

Воситачилик шартномаси бўйича бир тараф (воситачи) иккинчи тарафнинг (комитент) топшириғи бўйича ўз номидан, бироқ комитент ҳисобидан бир ёки бир неча битимни ҳақ эвазига тузиш мажбуриятини олади *(ФКнинг 832-моддаси)*.

## Қўшилган қиймат солиғи

Реализация қилиш жойи Ўзбекистон Республикаси бўлган товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланма ҚҚС солинадиган объект ҳисобланади *(янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 238-моддаси 1-қисми 1-банди)*.

***Комитент***

**ЎзР ҳудудида туристик хизматларни реализация қиладиган Қозоғистон резиденти бўлган чет эл юридик шахсининг айланмаларига ҚҚС солинмайди**. Туристик хизматлар амалда Мисрда кўрсатилади, шу сабабли Ўзбекистон уларни реализация қилиш жойи деб эътироф этилмайди *(янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 237-моддаси 1-қисми 3-банди, 241-моддаси 3-қисми 3-банди)*.

***Воситачи***

**Ўзбекистон резиденти бўлган воситачининг воситачилик хизматлари кўрсатиш бўйича айланмасига ҚҚС солинмайди**. Хизматларингиз харидори бўлган Қозоғистон резиденти – юридик шахс Ўзбекистон ҳудудида жойлашмаган ва бу ерда фаолият юритмайди, шу сабабли ЎзР ҳудуди воситачи хизмат кўрсатадиган жой деб эътироф этилмайди *(янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 241-моддаси 1-қисми)*.

Қуйидагилар бўйича хизматлар учун воситачилик ҳақингизга ҚҚС солинмайди:

- комитентнинг туристик йўлланмаларини реализация қилиш;
- комитент учун авиачипталарни сотиб олиш;
- ЎзРда комитентнинг рекламасини жойлаштириш.

Бунда комитент учун авиачипталар сотиб олиш *(янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 241-моддаси 3-қисми 4-банди)* ва унинг рекламасини жойлаштириш бўйича *(янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 241-моддаси 3-қисми 9-банди)* хизматлар кўрсатадиган корхоналар ҚҚСни белгиланган тартибда ҳисоблайдилар.

> ***Эътибор беринг!***
> *Ўзбекистон ҳудуди реализация қилиш жойи деб эътироф этилмайдиган комитентга хизматлар кўрсатадиган воситачининг ҳақи бўйича айланма солиқ солинадиган айланмага тенглаштирилади. Янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 37-бобида белгиланган тартибда воситачи ҳақиқатда олинган товарлар (хизматлар) бўйича тўланган (тўланиши лозим бўлган) ҚҚС суммасини ҳисобга олиш ҳуқуқига эга (янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 266-моддаси 2-қисми).*

## Фойда солиғи

***Воситачи***

Воситачи томонидан воситачилик ҳақи тарзидаги даромад бўйича фойда солиғи одатий тартибда *(янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 295-моддаси 2-қисми 1-банди)* қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

**Солиқ солинадиган фойда = даромадлар**
*(янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 297-моддаси)* –
**чегирилиши лозим бўлган харажатлар**
*(янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 44-боби)*.

Фойда солиғи ставкаси 15%ни ташкил этади *(янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 337-моддаси жадвалининг 12-сатри)*.

Хизматларни экспорт қилишдан олинадиган даромадлар жами даромаднинг камида 15%ини ташкил этганда, 0 даражали фоиз миқдоридаги солиқ ставкасини қўллашингиз мумкин *(янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 337-моддаси жадвали 6-сатри)*. Хизматларни **чет эл валютасида** экспорт қилиш юзасидан даромадлар экспортга чиқарилган кундан эътиборан 180 календарь куни ичида келиб тушмаган тақдирда, 0 даражали фоиз миқдоридаги солиқ ставкаси қўлланилмайди *(янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 337-моддаси 8-10-қисмлари)*.

***Комитент***

Ўзбекистон норезиденти комитент сифатида ЎзРда олинган даромадлар бўйича фойда солиғини қандай тўлаши воситачи сифатида корхонангизнинг фаолият юритиш тартибига боғлиқ бўлади.

- *Доимий муассасани ташкил этган ҳолда*

Воситачи ЎзРда комитент – чет эл юридик шахси номидан ҳаракат қилса ва одатда **комитент номидан** хизматлар кўрсатишга доир шартномаларни тузишда асосий роль ўйнаса, бундай фаолият ушбу чет эл юридик шахсининг **доимий муассасаси ташкил этилишига олиб келади** *(янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 36-моддаси 9-қисми)*.

Воситачи асосан ўзи билан ўзаро боғлиқ бўлган бир ёки бир нечта чет эл юридик шахси номидан ҳаракат қилса **тобе агент** деб ҳисобланади, бунда ДМ ташкил этилади *(янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 36-моддаси 10-қисми)*. Шахсларнинг ўзаро боғлиқлигини эътироф этиш учун **бир шахснинг бошқа шахслар капиталида** улар ўртасида тузилган битимга мувофиқ **иштирок этиши** туфайли ёхуд бир шахснинг бошқа шахслар томонидан қабул қилинадиган қарорларни белгилашда бошқача имконияти мавжуд бўлганда кўрсатилиши мумкин бўлган таъсир инобатга олинади *(янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 37-моддаси 2-қисми)*.

Мазкур ҳолатда комитент Ўзбекистон солиқ органларида доимий муассаса сифатида рўйхатдан ўтиши шарт *(янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 130-моддаси)*. Бунда фойда солиғи янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 49-бобига мувофиқ ҳисобланади ва тўланади.

- *ДМ ташкил этмаган ҳолда*

Воситачи корхонангиз комитентга нисбатан **мустақил агент** ҳисобланса ва шартномаларни комитент номидан имзолашга ваколатли бўлмаса, доимий муассаса ташкил этилмайди *(янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 36-моддаси 10-қисми)*.

Мазкур ҳолатда норезидент Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида туристик хизматлар кўрсатганлиги сабабли фойда солиғи солинадиган объект юзага келмайди *(янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 351-моддаси 2-қисми, 3-қисми 2-банди)*.

***Ольга БУСАРОВА**, «Norma» МЧЖ эксперти.*

***Тиббиёт боғлов буюмлари (пахта, дока, бинт) ишлаб чиқарувчи корхона маҳсулотининг 60%идан кўпроғини экспортга реализация қилади ҳамда умумбелгиланган солиқларни тўлайди. Шу муносабат билан корхона Президентнинг 29.11.2018 йилдаги ПФ-5587-сон Фармони ва 20.04.2017 йилдаги ПҚ-2911-сон қарорига биноан тақдим этилган имтиёзларни қўллаши мумкинми?***
***1. Иккала имтиёзни қўллаш мумкинми ёки биттасини қўллайдими?***
***2. Йил бошидан битта имтиёз қўлланилган бўлса, қайта ҳисоб-китоб қилиш ва бошқа имтиёзни қўллаш мумкинми?***

# ИМТИЁЗ ТАНЛАШ ҲУҚУҚИ

**1** **Ҳа, иккала имтиёзни бир вақтда қўллаш мумкин**. Бироқ Президентнинг 20.04.2017 йилдаги ПҚ-2911-сон қарори билан тақдим этилган имтиёз бўйича уни қўллаш мезонларига мос келганингиз учун фойда солиғини тўлашдан тўлик озод этилгансиз, шу сабабдан Президентнинг 29.11.2018 йилдаги ПФ-5587-сон Фармони бўйича имтиёзни қўллашга зарурат йўқ.

2019 йил 1 январдан бошлаб товарлар (ишлар, хизматлар)ни реализация қилишдан тушган умумий тушумида экспорт улуши 15%дан юқори бўлган юридик шахслар экспортга реализация қилиш ҳажмига тўғри келадиган фойда қисми юзасидан фойда солиғи бўйича солиқ солинадиган базани камайтирадилар *(ПФ-5587-сон Фармонинг 1-банди)*.

Шунингдек ҳисобот даври якунлари бўйича **тиббиёт буюмлари ишлаб чиқаришдан олинадиган тушум улуши умумий реализация ҳажмининг камида 60%ини ташкил этадиган** тиббий буюмлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган ташкилотлар 2021 йилнинг 1 январига қадар фойда солиғи ва мол-мулк солиғи тўлашдан озод этилган *(ПҚ-2911-сон қарорнинг 2-банди)*.

**2** **Ҳа, мумкин. Солиқ тўловчилар солиқлар бўйича имтиёзлардан тегишли ҳуқуқий асослар юзага келган пайтдан эътиборан уларнинг бутун амал қилиш даври мобайнида фойдаланишга ҳақли** *(янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 75-моддаси 6-қисми)*. Солиқ ҳисоботи тақдим этилган даврга тааллуқли хатоларни ўзи мустақил равишда аниқлаган солиқ тўловчи солиқ мажбурияти бўйича даъво қилиш муддати ичида ўша давр юзасидан аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини тақдим этиш ҳуқуқига эга *(эски таҳрирдаги Солиқ кодексининг 46-моддаси)*. Мазкур норма давлат солиқ хизмати органлари томонидан молия-хўжалик фаолияти текшируви (тафтиши) доирасида текшириш ўтказилган давр учун солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммасининг камайишини назарда тутувчи аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи тақдим этиладиган ҳолларда қўлланилмайди.

***Замира ЖЎРАЕВА**, «Norma» МЧЖ эксперти.*

# ЭКОЛОГИК КУН ТАРТИБИ: БУГУН! ЭРТАГА КЕЧ БЎЛАДИ

**Бир йил олдин, 24–25 январь кунлари Тошкентда Европа Иттифоқи–Марказий Осиё атроф муҳит ва сув ресурслари соҳасида ҳамкорлик бўйича юқори даражадаги 6-конференция бўлиб ўтган эди. Унда томонлар иқлим ўзгариши натижасида юзага келаётган ортиб бораётган хатарлар ва уларнинг жиддий оқибатлари билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш учун изчил мулоқотларни давом эттириш ҳамда ҳамкорликни мустаҳкамлаш зарурлигини тасдиқлаган эдилар.**



Марказий Осиёнинг бугунги тараққиёти, иқтисодиётларнинг бирбирини тўлдириши, мамлакатлар салоҳиятининг бирлашишга бўлган талаб-эҳтиёжи, ўзаро фундаментал қарама-қаршиликларнинг йўқлиги Марказий Осиёга нисбатан ЕИнинг Янги Стратегияси доирасида экологик лойиҳаларни изчил рўёбга чиқаришга объектив замин яратади. Буларнинг барчаси мамлакатимизда ҳозирда олиб борилаётган демократик ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар мажмуасига айни ҳамоҳанг келади.

*Мамлакатимиз бугунги экологик таҳдидларни юмшатиш ва сусайтириш бўйича бутунжаҳон ҳаракатининг бир қисми ҳисобланади.*
*Ўзбекистон Республикаси Озон қатламини муҳофаза қилиш тўғрисидаги Вена конвенциясига (22.03.1985 йил, Вена) ва Озон қатламини емирувчи моддалар бўйича Монреал протоколига қўшилди (16.09.1987 йил, Монреаль) қўшилди.*
*Ўзбекистон учун Монреал протоколининг халқаро мажбуриятларини бажаришга риоя этишининг стратегик йўналиши бўлиб 2030 йилда сайёрамизнинг озон қатламини бузаётган гидрохлорфторуглеродлар ишлатишини батамом тўхтатиш ҳисобланади.*
*Ўзбекистон 1993 йилдан буён БМТнинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги ҳадли конвенциясининг (Нью-Йорк, 1992 йил май) аъзоси ҳисобланади, ушбу Конвенцияга Киото протоколи 1998 йилда имзоланган ва 1999 йилда ратификация қилинган, Париж битими эса 2017 йилда имзоланган ва 2018 йилда ратификация қилинган.*

## Норматив-ҳуқуқий база

Президентнинг 30.10.2019 йилдаги ПФ-5863-сон Фармони билан 2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси тасдиқланди. Концепция эришилган натижалар, мақсадли кўрсаткичлар ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича тегишли даврга мўлжалланган асосий йўналишлардан келиб чиққан ҳолда, Вазирлар Маҳкамаси томонидан 3 йил муддатга алоҳидаалоҳида тасдиқланадиган «Йўл хариталари» асосида босқичма-босқич амалга оширилади. Уларни амалга ошириш бўйича таъсирчан мониторинг юритиш Экология ва атроф-муҳит муҳофаза қилиш давлат қўмитасига топширилди.

Иқлимий жараёнлар давлат чегараларини тан олмайди, уларнинг салбий оқибатларини фақатгина халқаро ҳамкорлик доирасида камайтириш мумкин, шунинг учун Ўзбекистоннинг БМТнинг иқлим бўйича Париж битимига *(12.12.2015 йил, Париж, 2.10.2018 йилдаги ЎРҚ-491-сон Қонун билан ратификация қилинган)* қўшилиши мамлакатимиз экологик сиёсатининг устуворликларини акс эттирувчи мантиқий қадамларидан бўлди.

Ўзбекистоннинг Париж битими бўйича мажбуриятларни бажариши мақсадида Президентнинг 4.10.2019 йилдаги ПҚ-4477-сон қарори билан 2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегияси тасдиқланди.

Республикамиз «яшил» иқтисодиётга ўтишининг асосий вазифалари ЕИ–МОнинг атроф муҳит ва сув ресурслари соҳасида ҳамкорлиги Платформасининг мақсадли режаларига мувофиқ келади. Улар иқтисодиётнинг базавий тармоқлари энергия самарадорлигини ошириш; қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш; иқлим ўзгариши оқибатларига мослашиш ва уларни юмшатиш, табиий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва табиий экотизимларни асраш; «яшил» иқтисодиётни қўллаб-қувватлашнинг молиявий ва номолиявий механизмларини ишлаб чиқишга қаратилгандир. Стратегияда ушбу йўналишда, шу жумладан икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар тузиш орқали халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш белгилаб берилган.



## Сув ресурслари

Ер ости чучук сувларининг нотекис тақсимланиши сабабли республикамизнинг ғарбий туманларида ичимлик сувининг кескин танқислиги сезилади (Қорақалпоғистон, Хоразм ва Бухоро вилоятлари, Самарқанд, Қашқадарё, Жиззах, Сурхондарё вилоятларининг ғарбий туманлари). Ирригация тизимининг муттасил ривожланиши, коллектор-дренажлардан, шунингдек саноат корхоналаридан чиқадиган ифлосланган сувларнинг сув манбаларига оқизилиши ер сатҳи ва у билан боғлиқ ер ости сувларининг ифлосланишига олиб келди.

Ифлослантирувчи моддаларни сув объектларига кўплаб оқизиш очиқ сув манбалари ифлосланишига олиб келади ва пировард натижада сув флораси ва фаунасига қақшатқич зарба беради ҳамда аҳоли саломатлигига таъсир кўрсатади.

Сув ресурслари ҳолатини яхшилаш учун Концепцияда, хусусан, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида коллектор-дренаж тармоғини реконструкция қилиш ва тиклашни таъминлаш, шунингдек, суғориладиган ерларнинг сув таъминотини яхшилаш учун янги сув омборларини қуриш, Орол денгизининг Ўзбекистон томонидаги қуриган тубида дов-дарахтлар экилган майдонларни кўпайтириш назарда тутилган.

Орол денгизининг Ўзбекистон томонидаги қуриган тубида 461 минг га майдонга саксовул уруғлари экилди, 1,1 млн га майдон тузга бардошли кўчатлар экишга тайёрлаб қўйилди.

Коммунал соҳада сув ресурслари йўқотишларини, шунингдек қишлоқ хўжалигида сув истеъмоли салмоғини камайтириш; саноат корхоналарининг тозалаш иншоотлари билан жиҳозланишини рағбатлантириш, шунингдек, саноатда сув таъминотининг айланма цикли кенг жорий этилишини таъминлаш; аҳолини марказлаштирилган канализация тизими билан қамраб олиш кўламини ошириш режалаштирилган.

## Атмосфера мусаффолиги йўлида

Концепцияда республикада металлургия, энергетика корхоналари, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, нефть-газ ва кончилик саноати корхоналари ҳамда автотранспорт атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи асосий манбалардан эканлиги кўрсатилган. Давлат экологик сертификатлаштириш ва стандартлаштириш марказининг маълумотларига кўра, мамлакатимизда 99,5 мингта турғун ва 2 816 мингта ҳаракатдаги (автомототранспорт воситалари сингари) ифлослантирувчи манбаларга эга 3 500 тадан ортиқ саноат корхоналари ишлаб турибди.

Атмосфера ифлосланиши даражасини пасайтириш учун ПФ-5863-сон Фармонга кўра қуйидагилар тақиқланади:

- 1.01.2020 йилдан бошлаб «Евро-4»дан паст экологик тоифадаги мотор ёқилғисини ишлаб чиқариш бўйича янги қувватларни ишга тушириш;
- қуйидагиларни «Вақтинча олиб кириш» ва «Эркин муомала (импорт) учун чиқариш» божхона режимига жойлаштириш:

1.01.2020 йилдан бошлаб «Евро-3»дан паст экологик тоифадаги мотор ёқилғисини, 1.01.2023 йилдан бошлаб эса «Евро-4»дан паст экологик тоифадаги мотор ёқилғисини;

заҳарлилик даражаси «Евро-4» экологик тоифа талабларига мос келмайдиган газ, бензин ва дизель двигателлари билан жиҳозланган «М» ва «N» тоифаларидаги ғилдиракли

транспорт воситаларидан фойдаланиш ва уларни сотиш мақсадида.

2019 йил 1 ноябрдан 2020 йил 31 декабрга қадар мамлакатимизда давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилишига мораторий жорий этилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 5.09.2019 йилдаги 737-сон қарори билан Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳитнинг давлат мониторинги тўғрисида низом тасдиқланган. Унда 2021 йил 1 январга қадар Атроф табиий муҳит давлат мониторинги тизимининг ягона геоахборот маълумотлар базасини тўлиқ фаолият кўрсатишини таъминлаш лозимлиги назарда тутилган. Шу муддат оралиғида атроф табиий муҳитга таъсир қилиш хавфи юқори бўлган янги ишга тушириладиган хўжалик субъектларининг атмосфера ҳавосини ифлослантириш манбаларида намуналарни олиш ва таҳлил қилиш бўйича автоматик станциялар, шунингдек, уларга туташ ҳудудларда стационар кузатиш пунктларини (постларини) ўрнатиш режалаштирилган.

Атмосфера ҳавосининг жорий ифлосланиш даражаси электр ва иссиқлик энергияси манбаларини диверсификациялаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни тақозо этади. Хусусан, Концепцияда қуйидагилар назарда тутилади:

- электр энергия ишлаб чиқарадиган қувватларнинг умумий таркибида қайта тикланадиган муқобил манбалар улушини кўпайтириш;
- биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш соҳасидаги чора-тадбирларни, паст углеродли технологиялардан ва хусусий хўжаликларда янада тоза ёқилғи турларидан фойдаланишни рағбатлантириш;
- транспортни газ баллон ёқилғисига, электр қувватига ва бошқа муқобил ёқилғи турларига ўтказиш;
- 2030 йилгача ғилдиракли транспорт воситаларининг ҳамда мотор ёқилғисининг «Евро-6» экологик тоифадаги стандартларини қабул қилиш;
- янгидан фойдаланишга топширилаётган ишлаб чиқариш қувватларининг атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи стационар манбаларида самарадорлиги 99,5 фоиздан паст бўлмаган, амалдагиларида 95 фоиздан паст бўлмаган чанг ва газларни тутиб қолувчи қурилмалар қўлланилишини таъминлаш;
- ифлослантирувчи моддалар чиқаришнинг, шу жумладан иқтисодиёт секторлари бўйича кадастрларини яратиш.

Ўзбекистон Турғун органик ифлослантирувчи моддалар тўғрисидаги Стокгольм конвенциясини ратификация қилган *(8.05.2019 йилдаги ЎРҚ-535-сон Қонун)*.

ПФ-5863-сон Фармон билан мазкур конвенциянинг талабларини бажариш бўйича Миллий ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш ва қабул қилинган.

## ЕИ–МО ҳамкорлиги доирасида

Атроф муҳит ва сув ресурслари соҳасида ҳамкорлик платформаси 2009 йили Рим шаҳрида (Италия) Европа Иттифоқи–Марказий Осиёнинг юқори даражадаги конференциясида қабул қилинган эди. Платформа Марказий Осиё мамлакатлари билан келишилган, МО учун ЕИ Стратегиясини амалга ошириш учун ҳамкорлик чегараларини ўз ичига оладиган ҳужжатдир. Унинг устувор вазифалари илк бор 2009 йилда Римда Европа Иттифоқи–Марказий Осиёнинг юқори даражадаги 3-конференциясида келишилган ва кейинчалик Бишкекдаги (2013 й.), Милandaги (2015 й.) ва Тошкентдаги (2019 й.) юқори даражали конференцияларда тасдиқланган.

Европа парламенти ва Кенгаши 2019 йил 19 июнда ЕИ Марказий Осиёга нисбатан янги Стратегияни эълон қилди ҳамда «ЕИ ва Марказий Осиё: янада мустаҳкам ҳамкорлик бўйича янги имкониятлар» қўшма коммюникесини қабул қилди. Стратегия ўзаро боғлиқ бўлган 3 та устуворликни ўз ичига олади: «Барқарорлик учун ҳамкорлик», «Тараққиёт учун ҳамкорлик» ҳамда «Биргаликда яхшироқ ишлаш».

2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепциясида минтақа учун умумий бўлган таҳдидларни ҳамкорликда ҳал этиш учун МО мамлакатлари ҳаракатларини кенгайтиришга ёрдам берувчи бир қатор чора-тадбирлар белгиланган. Хусусан, чегарадош давлатлар билан қуйидаги соҳаларда шартномавий-ҳуқуқий асосларини ривожлантириш ва такомиллаштириш:

- кимёвий, биологик, радиологик материаллар таъсири хавфини камайтириш;
- трансчегаравий экологик муаммолар реестрини ва уларни мониторинг қилиш тизимларини шакллантириш;
- трансчегаравий қўриқланадиган табиий ҳудудларни ташкил этиш;
- атроф-муҳит сифатининг ягона нормативлари, стандартларини биргаликда ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, шунингдек, соҳа мутахассисларини тайёрлаш;
- Марказий Осиё трансчегаравий дарёлар ҳавзаларини бошқариш.

Ушбу тадбирлар ЕИ Стратегиясининг устувор вазифаларига ҳам ҳамоҳанг келади. Зеро, ҳеч кимга сир эмаски, экология масаласи ҳаммамиз учун кун тартибида турган энг долзарб масалалардандир.



ПОЧТА ҚУТИСИ

# ЭИЗ УЧУН ИМТИЁЗЛАР

**?** ***Эркин иқтисодий зонада жойлашган ҳамда солиқлар тўлашдан озод этилган корхона металл маҳсулотларини импорт қилишда божхона расмийлаштируви учун йиғим ва ҚҚСни тўлайдими?***

– Товарларни божхона чегараси орқали олиб ўтишда қуйидаги божхона тўловлари тўланади: божхона божи; ҚҚС; акциз солиғи; божхона йиғимлари *(БКнинг 289-моддаси)*.

ЭИЗ резидентлари қуйидагилар бўйича божхона тўловларини тўлашдан озод этилганлар (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари):

- бўшаб қоладиган маблағларни янги корхоналарни ташкил этиш, шунингдек, мавжуд ишлаб чиқаришларни модернизациялаш, реконструкция қилиш ва техник, технологик қайта жиҳозлаш, кенгайтириш, ишлаб чиқариш биноларини қуриш, ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун зарур хом ашё ва материаллар харид қилишга мақсадли йўналтирган ҳолда ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун олиб кириладиган ускуналар, хом ашё, материаллар ҳамда бутловчи буюмларни, маҳсулот экспорт қилинганда вужудга келадиган ҚҚСнинг манфий суммаси қайтарилмаслиги ҳуқуқи билан;
- республикада ишлаб чиқарилмайдиган ва лойиҳаларни амалга ошириш доирасида Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» ДУКнинг товарлар рўйхатини комплекс экспертиза қилиш натижалари бўйича ижобий хулосаси бўлган тақдирда четдан келтириладиган қурилиш материаллари *26.10.2016 йилдаги ПФ-4853-сон Фармоннинг 3-банди)*.

Агар божхона имтиёзлари қўлланган ҳолда олиб келинган ускуналар, хом ашё, материал ва бутловчи буюмлар сотилса ёки беғараз берилса, улар олиб келинган пайтдан бошлаб 3 йил давомида божхона тўловлари қонунчиликда белгиланган тартибда тўлиқ ҳажмда ундирилади.

Имтиёзлар киритилган инвестициялар ҳажмидан келиб чиқиб берилади. Масалан, 300 минг АҚШ долларидан 3 млн АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар киритилганда иштирокчи солиқ ва йиғимларни тўлашдан 3 йил муддатга, 3 млн АҚШ долларидан 5 млн АҚШ долларигача ҳажмдаги инвестициялар учун – 5 йилга, 5 млн АҚШ долларидан 10 млн АҚШ долларигача инвестициялар учун – 7 йилга озод этилади. Агар у 10 млн АҚШ долларидан кўп ҳажмдаги инвестицияларни киритса, имтиёздан сўнгги 5 йилда амалдаги ставкалардан 50 фоиз кам ҳажмдаги даромад солиғи ва ЯИТ ставкаларини қўллаган ҳолда 10 йил муддатда фойдаланиши мумкин.

Имтиёзлар фақат ЭИЗ иштирокчисининг инвестор ва ЭИЗ Дирекцияси ўртасида тузилган Эркин иқтисодий зона ҳудудида инвестициялаш тўғрисидаги шартномада назарда тутилган фаолият турига татбиқ қилинади *(Низомнинг 5-банди, ВМнинг 10.04.2017 йилдаги 196-сон қарорига 3-илова)*.

Божхона ва солиқ имтиёзларини қўллаш муддати ЭИЗ иштирокчисига бериладиган ЭИЗ иштирокчиси гувоҳномаси берилган кундан эътиборан бошланади. Иштирокчи томонидан олдин берилган имтиёзлар муддатидан узоқроқ муддатли имтиёзлар ҳуқуқи қўлланиладиган ҳажмга етувчи инвестициялар миқдори оширилган тақдирда, имтиёзларни қўллаш муддати узоқроқ муддатга узайтирилади. Божхона имтиёзлари узоқроқ муддатли имтиёзлар ҳуқуқини берувчи миқдордаги инвестиция киритилган кундан, солиқ имтиёзлари эса – узоқроқ муддатли имтиёзлар ҳуқуқи юзага келган ойдан кейинги ойнинг 1-кунидан эътиборан қўлланилади *(Низомнинг 6-банди)*.

***Маълумот учун.*** *Солиқ қонунчилиги ўзгарганида ЭИЗ иштирокчилари солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича улар рўйхатдан ўтказилган санада амал қилган норма ва қоидаларни қўллашга ҳақлидирлар, акциз солиғи олинадиган товарлар солиққа тортилишини тартибга солувчи ҳужжатларнинг нормалари ва қоидалари бундан мустасно (25.10.2017 йилдаги ПҚ-3356-сон қарорнинг 7-банди).*

*«Божхона» бўлимини махсус мухбиримиз* ***Гулнора АБДУНАЗАРОВА*** *олиб боради.*

ТАДҚИҚОТ

# РАДИОАКТИВ МАТЕРИАЛЛАР КИРИБ КЕЛИШИ НАЗОРАТИ КИМНИНГ ЗИММАСИДА?



**Божхона назорати соддалаштирилган тартибда, тадбиркор ва туристлар учун тобора қулай шарт-шароитларда ташкил этилишига катта эътибор қаратилаётган бир пайтда божхона назоратини сусайтириб бўлмайдиган, аксинча, уни кескин тусда амалга ошириш талаб этиладиган вазиятлар ҳам учрайди.**

Радиоактив ва махсус ядровий материалларнинг юртимиз чегаралари орқали олиб ўтилиши ана шундай «кескин назорат»ни талаб қиладиган жараёнлардан ҳисобланади. Бундай материалларнинг чет давлатдан олиб кирилиши, олиб чиқилиши ёки транзит тарзида ҳаракатланиши, уларни бирламчи идентификациядан ўтказиш ва олиб чиқиш ишлари якунлангунига қадар улар сақланишини таъминлаш божхона органларининг масъулиятидадир.

Радиоактив материалларнинг божхона назорати аҳоли ва давлатнинг сиёсий, экологик, радиациявий хавфсизлигини таъминлаш ва ядровий қуроллар тарқатилмаслигида муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимизда бу борада Вазирлар Маҳкамасининг «Радиациявий аварияларни прогноз қилиш, барвақт аниқлаш ва ҳаракат қилиш ягона давлат тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори *(15.10.2019 йилдаги 869-сон)* қабул қилинган. Мазкур қарор билан божхона органлари зиммасига бир қанча вазифалар белгиланди, хусусан:

- Ягона давлат тизимининг кундалик бошқарув органлари таркибида белгиланган нормалардан ортиқ радионуклидлар бўлган материалларни республика ҳудудига рухсатсиз олиб кириш, олиб чиқишга уриниш ҳолатлари аниқланганлиги ҳақида хабардор қилиш ҳамда уларнинг олиб чиқилишига йўл қўймаслик, шунингдек уларни жўнатувчига қайтариш тартиботларини белгиланган тартибда амалга ошириш;
- аниқланган рухсатсиз ионлаштирувчи нурланиш манбаларини дастлабки радиометриясини ва идентификациясини ўтказиш;
- аниқланган рухсатсиз ионлаштирувчи нурланиш манбаларини бирламчи идентификациядан ўтказиш ва олиб чиқиш ишлари якунлангунига қадар уларнинг сақланишини таъминлаш;
- идоравий мансуб объектларда аниқланган рухсатсиз ионлаштирувчи нурланиш манбаларини идентификациядан ўтказиш ва зарарсизлантириш тадбирларига ҳар томонлама кўмаклашиш сингари вазифалар шулар жумласидандир.

Радиоактив материаллар ўз-ўзидан юқори хавфли товарлар тоифасига киради. Шунинг учун уларнинг ички ва ташқи кўриниши, ҳаракати ва ташиш шароитларига риоя қилиниши устидан назорат олиб бориш зарур.

*Радиоактив материаллар ва махсус ядровий материалларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш жаҳон ҳамжамиятининг кўплаб давлатлари олдида турган вазифадир. Масалан, Япониядаги Фокусима авариясидан кейин «Радиоактив автомашина»ларни Россияга олиб киришга уринишлар аниқланган бўлса, Францияга «Радиоактив лифт»ларни олиб кириш ҳолатлари аниқланган.*

Бундай турдаги товарлар юзага келишининг турли сабаблари бор. Дейлик, улар табиий офатлар, авариялар билан бир қаторда металлни қайта ишлаш вақтида радиоактив чиқиндиларни аралашиб кетиши оқибатида юзага келади. Радиациявий материаллар у билан ишлаётган ходимлар, бутун аҳоли саломатлиги ва хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин. Бундан ташқари, радиоактив материалларнинг тарқалиб кетиши оқибатларини бартараф этиш жиддий иқтисодий зиён етказиши мумкин.

Бу борада Давлат божхона қўмитаси томонидан республикамизга радиоактив материалларни ноқонуний кириб келишининг олдини олиш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилган. Хусусан, барча чегара божхона постларида уч турдаги: йўловчилар учун, автомобиллар учун, темир йўл вагонлари учун радиацион назорат қурилмалари ўрнатилган. Бу амалиётда ўзининг ижобий самарасини бермоқда, албатта. Жумладан, 2001 йилда Ғиштқўприк чегара божхона постида радиоактив материаллар билан боғлиқ қонунбузарлик божхона ходимининг шахсий ҳимоя воситаси ҳисобланган радиацион пейжер қурилмаси ёрдамида аниқланган эди. Ушбу ҳолат республикамиз чегараларида техник воситаларни ўз ичига олувчи ҳимоя чизиғини яратишга ёрдам берди ҳамда радиацион назорат соҳасида жиддий чора-тадбирларни амалга оширишга туртки бўлди.

***Меҳрож ФАЙЗУЛЛАЕВ,***
*ДБҚ Божхона институти 4-курс курсанти.*

РЕКЛАМА
Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги
www.norma.uz

ТАРҒИБОТ

# СИРДАРЁ: СОЛИҚ КОДЕКСИ – ДАСТУРИЛАМАЛ ҲУЖЖАТ

**Шу кунларда Сирдарё вилоятида янги таҳрирдаги Солиқ кодекси, шунингдек, унга кўра божхона соҳасига оид меъёрий-ҳуқуқий нормалардаги ўзгаришларнинг мазмун-моҳиятини тушунтиришга бағишланган тадбирлар бўлиб ўтмоқда.**

Тадбиркорлик субъектлари ва кенг жамоатчилик иштирок этаётган ушбу тарғибот тадбирларида вилоятнинг солиқ, молия, адлия ва божхона бошқармалари ҳамда бошқа тегишли ташкилотлар мутасаддилари асосий солиқ қонун ҳужжати билан янгича тартибда ишлаш, солиқ солишдаги янгиликлар бўйича тушунтиришлар беришди. ДСИ ва ТИФ божхона постларида семинар ва давра суҳбатлари тарзида ташкил этилаётган тадбирларда тадбиркорлар ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга малакали тушунтиришлар олишмоқда.



***Сирдарё вилояти божхона бошқармаси Ахборот хизмати.***

ПОЧТА ҚУТИСИ

# СОЛИҚ КОДЕКСИДА НАЗАРДА ТУТИЛМАГАН

***Қўшма корхонанинг устав фондини тўлдириш ҳисобига йўналтириладиган божхонага келиб тушадиган товарлардан ҚҚС тўланадими?***

– Солиқ кодексининг 246-моддасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда солиқ солишдан озод этиладиган товарлар рўйхати келтирилган. Қўшма корхонанинг устав фондини тўлдиришга йўналтириладиган товарлар рўйхатида келтирилмаган.

СОЛИҚ ва БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ ©
Молиявий-иқтисодий, ахборот-ҳуқуқий газета
ТАЪСИСЧИ «Norma» МЧЖ

Бош муҳаррир Фарҳод Собирович ҚУРБОНБОЕВ

Нашр учун масъул – бош муҳаррир ўринбосари, масъул котиб Нодир Носирович АЛИМОВ

Саҳифаловчи Наталья БАРАНОВА

МАНЗИЛИМИЗ: 100105, Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1
ТЕЛЕФОН/ФАКС
Таҳририят: (71) 200-00-90;
E-mail: sbx@norma.uz, gazeta@norma.uz, web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар, газеталарнинг электрон версияларини етказиб бериш ва харид қилиш масалалари бўйича (71) 200-00-30; «Norma» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90; рекламани жойлаштириш бўйича (71) 231-07-91 телефон рақамларига мурожаат қилиш мумкин.

Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган. Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 0040.
Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Газета ношир – «TOPRINT» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Нашр кўрсаткичлари: «СБХ» – 186, «НТВ» – 165. Қоғоз бичими – А3. Ҳажми – 4 босма табоқ. Баҳоси келишилган нархда. Буюртма г-215. Адади 790. Газета 2020 йил 3 февраль соат 15.00 да топширилди.

технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2020 йил 1 ноябрдан **«Давлат фуқаролик хизмати ягона электрон ахборот-таҳлилий тизими» дастурий-аппарат комплексини** (кейинги ўринларда – дастурий-аппарат комплекси) жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги билан биргаликда дастурий-аппарат комплексининг Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали ва бошқа зарур тизимларга интеграциялашувини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси, Олий аттестация комиссияси ва республикадаги олий таълим муассасалари раҳбарлари идоравий ахборот тизимлари ўз вақтида ва сифатли ишлаб чиқилишини, уларнинг дастурий-аппарат комплекси билан интеграция қилинишини, шунингдек, ушбу тизим тўлиқ ишлашини таъминлаш учун маълумотларни рақамлаштириш чораларини кўрсин.

23. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда **«Рақамли Ўзбекистон – 2030» дастури** лойиҳасини ишлаб чиқишда бошқа масалалар билан бир қаторда қуйидагиларни назарда тутсин:

а) **«Электрон ҳукумат» тизими**ни ривожлантириш йўналишида:

**ахборот технологиялари соҳасида инсон капиталини ривожлантириш**, кадрларни тайёрлаш ва улар малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш;

**давлат хизматларини рақамли шаклга трансформация қилиш** ва ахборот экотизимини ривожлантириш;

давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш;

б) **маҳаллий IT-технологиялар бозори салоҳиятини ошириш** йўналишида:

ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларга қўйиладиган асосий функционал талабларнинг **ягона реестрини** белгиланган ҳолда давлат органлари ва ташкилотларида ушбу маҳсулотлардан фойдаланишга ўтиш;

ўрнатилган функционал талабларга мувофиқ келадиган маҳаллий ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларнинг **ягона базасини шакллантириш**;

салоҳияти мавжуд олий таълим муассасаларида ахборот технологиялари ва дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқиш соҳасида лабораториялар, жумладан, халқаро тан олинган илғор IT-компанияларни жалб қилган ҳолда ташкил этиш;

маҳаллий ахборот технологиялари ва дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқишни янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш;

в) **давлат маълумотларини бошқариш тизимини яратиш** йўналишида:

давлат бошқаруви соҳасида маълумотларни шакллантириш ва қайта ишлашга стандартлаштирилган ёндашувни жорий қилиш;

маълумотларни шакллантириш ва янгилаш бўйича жавобгарлик давлат органлари бўйича тақсимланган ҳолда, маълумотлар фақат битта давлат органи ёки унинг бўлинмаларида шакллантириладиган **«маълумотларнинг ягона манбаи» тамойилини жорий этиш**;

ҳужжатга йўналтирилган тизимдан маълумотларнинг реестр ёзувига асосланган тизимга босқичма-босқич ўтиш.

24. Давлат органлари, идоралар, барча корхона ва ташкилотларга «рақамли иқтисодиёт», замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини жорий қилиш ва ривожлантиришга масъул бўлган ходимларни хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчиларнинг касблари классификатори таълимнинг минимал даражаси ва касб бўйича малакавий разрядлар қисмига амал қилмаган ҳолда ишга жалб қилишга рухсат берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда ахборот технологиялари соҳасида халқаро сертификатга эга бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш тизимини яратиш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Бунда, ахборот технологиялари соҳасида халқаро сертификат олиш имтиҳонларини муваффақиятли топширган шахсларга **харажатларни давлат томонидан қоплаш, ахборот технологиялари соҳасида халқаро сертификатга эга бўлган шахсларнинг республика олий таълим муассасаларида таълим олиш имкониятларини кенгайтириш** назарда тутилсин.

25. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда «Беш ташаббус» лойиҳасини молиялаштириш доирасида «Рақамли технологиялар ўқув марказлари»да, «Ишга марҳамат» мономарказларида ва «Ёшлар технопарк»ларида ёшларга рақамли технологияларни ўргатиш бўйича махсус курсларни ташкил этиш чораларини кўрсин.

26. Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи билан биргаликда рақамли иқтисодиётни ривожлантиришга ёшларнинг энг илғор лойиҳаларини жалб этиш мақсадида Тошкент шаҳрида **«Халқаро ёшлар инновация форуми»**ни ўтказиш ҳамда форум доирасида **«Энг яхши лойиҳалар»** танловини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

27. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони ва қарори лойиҳаларини киритсин:

рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукумат ташкилий-институционал асосларини танқидий қайта кўриб чиққан ҳолда **соҳада давлат бошқарувини такомиллаштириш**;

**«Электрон ҳукумат» тизимини такомиллаштириш йўналишида** идоралараро электрон ҳамкорликни ривожланти-





ча **қўшилган қиймат солиғининг бир қисмини қайтариш** тартиби самарали йўлга қўйилсин;

2020 йилда лицензиялар ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатлар **камида икки бараварга қисқартирилсин**;

2020 йил 1 июндан бошлаб давлат улушига эга бўлган **банклар трансформацияси бўйича «йўл харита»ларини амалга ошириш**га киришилсин, шу жумладан, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга кўрсатилаётган **банк хизматлари сифатини ошириш ҳамда замонавий чакана банк хизматлари турларини кўпайтириш** чоралари кўрилсин;

2020 йил 1 июнга қадар экспортни олдиндан молиялаштиришга қаратилган **Экспорт-кредит агентлиги** ташкил қилинсин;

2020 йилда **«рақамли маркировка ва онлайн касса»** лойиҳасини ўз вақтида ва тўлиқ бажариш ҳамда **«Э-омбор»** товарларни ҳисобга олишнинг электрон тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича амалий чоралар кўрилсин;

2020 йил 1 июндан бошлаб маҳаллий экспорт қилувчиларга юкларни автомобиль ва ҳаво транспорти орқали экспорт қилиш харажатларининг **бир қисмини давлат томонидан қоплаш**, шунингдек, тадбиркорларнинг инфратузилма барпо этиш бўйича харажатларининг **бир қисми учун компенсация тўлаш механизмлари жорий этилсин**;

2020 йилда камида **800 мингта кенг полосали Интернет портлари яратилсин** ва **12 минг километр оптик толали алоқа линиялари ётқизилсин**.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Марказий банки, Ҳисоб палатаси, Савдо-саноат палатасига манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу йўналишда белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилишини, шу жумладан, «Давлат молиявий назорати тўғрисида»ги, «Давлат қарзи тўғрисида»ги ва «Расмий статистика тўғрисида»ги **қонун лойиҳалари**, Автомобиль йўлларини ривожлантириш ва Молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш **стратегиялари**, Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш ва Сув хўжалигини ривожлантириш **концепциялари**, Қишлоқ хўжалигида рақамли технологияларни кенг жорий этиш бўйича **амалий чора-тадбирлар дастури** ишлаб чиқилишини таъминлаш топширилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

икки ой муддатда ҳар бир ҳудудда тадбиркорликка ўқитиш курсларини ташкил этиш бўйича «йўл харита»сини ва мазкур курсларнинг битирувчиларига энг илғор лойиҳа учун грантлар ажратиш тартибини тасдиқласин;

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тасарруфига ўтказилган 30 та коллеж базасида, шунингдек, Тошкент шаҳрининг ҳар бир туманида камида биттадан **«Ишга марҳамат» мономарказлари ва касбга тайёрлаш марказларини ташкил этиб**, уларда, биринчи навбатда, ишсизлар ва камбағал оилалар аъзоларининг тадбиркорлик асослари бўйича ва касбга ўқитилишини таъминласин.

Худди шу каби мономарказлар ва касбга тайёрлаш марказлари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг шаҳар ва туманларида ҳам босқичма-босқич ташкил этилиши таъминлансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда касбга ўқиш истагини билдирган ёлғиз ва кўп болали аёллар, ишсизлар, ёшлар учун кундалик ҳаётда эҳтиёж юқори бўлган соҳалар, хусусан тикувчилик, пазандалик, сартарошлик ва бошқа йўналишлар бўйича касбга ўргатиш курсларини ташкил этиш чораларини кўрсин.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда «Маҳалла гузарларида касбга ўқитиш дастури»ни ишлаб чиқиб, талабгорлар рўйхатини шакллантирсин.

Белгилансинки, касбга ўргатиш курслари доирасида ўқитилган ёлғиз ва кўп болали аёллар, ишсизлар ва ёшлар каби аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари учун Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда маблағ ажратилади.

8. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) ҳокимлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда:

бюджет маблағлари ҳисобидан илғор тадбиркорлик лойиҳаларига грантлар ажратиш тизимини йўлга қўйсин;

2020 йил 1 майга қадар ҳар бир ҳудудда камида биттадан «Энг яхши касбга тайёрлаш ўқув дастури» бўйича нодавлат ташкилотлари ўртасида танлов ўтказиб, унинг ғолибларига ўз ишини ташкил қилиш учун Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасидан грант ажратиш тартибини ишлаб чиқсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда тадбиркорлик яхши ривожланган ва аҳоли зич жойлашган ҳудудлар атрофида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ва бўш турган ер майдонларини аниқласин ҳамда уларда кичик саноат зоналарини ташкил этиш ва уларни инфратузилма билан таъминлаш учун лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш чораларини кўрсин.

Белгилансинки:

янги ташкил этиладиган кичик саноат зоналарига барча зарур инфратузилмаларни етказиб бериш учун кичик саноат зоналарини бошқариш дирекцияларига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағларидан **100 миллиард сўм** ажратилади;

янги ташкил этилган кичик саноат зоналаридаги ер участкалари тадбиркорларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда хусусийлаштирилиб берилади ва бундан тушган маблағлар кичик саноат зоналарини бошқариш дирекциялари томонидан янги кичик саноат зоналарини барпо этишга сарфланади.

10. Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда ҳар бир туманда деҳқончилик билан шуғулланиш истагини билдирган аҳоли рўйхатини

шакллантирсин, қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқиб кетган ерларни талабгорларга тақсимлаб берсин ва уларни кооперацияларга бириктирсин. Бунда, мазкур шахсларга қонунчиликда назарда тутилган имтиёзлар тақдим этилсин ва ерларни оборотга қайтариш учун барча зарур чора-тадбирлар кўрилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги икки ой муддатда бизнесга ҳамда тадбиркорликни бошлаш истагидаги фуқаролар ва ўзини ўзи банд қилмоқчи бўлганларга сервис кўрсатувчи интерактив мобиль иловалар яратиш учун танловлар эълон қилиб, энг яхши лойиҳаларга грантлар ажратиш тизимини йўлга қўйсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда, шунингдек, Жаҳон банки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастури ва бошқа халқаро ташкилотларни жалб этган ҳолда 2020 йил 1 августга қадар қуйидагиларни назарда тутувчи **Камбағалликни қисқартириш дастури** лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

камбағаллик тушунчасини, уни ҳудудий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда аниқлаш методологияси ва мезонларини ишлаб чиқиш;

аҳолида, айниқса, ёшлар ва аёлларда **бизнес юритиш ва тадбиркорликнинг замонавий кўникмаларини** шакллантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

энг аввало, жойлардаги ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш имконини берувчи **тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлашнинг** самарали механизмларини жорий этиш;

тадбиркорлик субъектларига молиявий ресурслардан, шу жумладан, **микромолиялаштириш хизматлари** ва **давлат харидларидан** фойдаланишда кенг имкониятлар бериш учун шароит яратиш;

банд бўлмаган аҳолини қайта тайёрлаш ва ишсиз фуқароларни талаб юқори бўлган касбларга ўқитиш бўйича кенг қамровли дастурларни амалга ошириш.

13. Белгилансинки, 2020 йил 1 июндан бошлаб **тадбиркорлик субъектларига лицензиялар ва рухсат этиш хусусиятига эга бошқа ҳужжатларни** беришда кадрларнинг профессионал малакаси, тақдим этилган ҳужжатлар ва дастурларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга, бино ва иншоотларнинг – санитария-эпидемиологик талабларга ва ёнғин хавфсизлиги талабларига жавоб бермаслиги сабабли **рад этишга йўл қўйилмайди.**

Бунда, ваколатли давлат органлари тадбиркорлик субъектларига малакали кадрларни излаш, ҳужжатлар ва дастурларни қайта ишлаш учун мутахассисларни жалб қилиш ҳамда лицензиялар ва рухсат этиш хусусиятига эга бошқа ҳужжатларни олиш учун бошқа зарур шарт-шароитларни яратишда ёрдам беришлари лозим, талабгорнинг таклиф этилган ёрдамни рад қилиш ҳоллари бундан мустасно.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги уч ой муддатда ушбу бандда белгиланган тартибни жорий этиш бўйича таклифларни киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда **«UzTrans» ягона интерактив ахборот тизимида** ташувчилар фаолиятини мониторинг ва назорат қилишнинг замонавий усулларини қўллашни ҳисобга олган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига:

юк ташишни амалга оширишнинг бошланиши тўғрисида хабардор қилиш ва юкларни халқаро ташишни амалга оширувчи транспорт воситаларини **«онлайн» рўйхатдан ўтказиш тартибини жорий этиш** орқали автомобиль транспортида юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташишни амалга ошириш;

**жисмоний шахсларга автомобиль транспортида** йўловчиларни шаҳарда, шаҳар атрофида ва шаҳарлараро йўналишлар бўйича **ташиш ҳуқуқини бериш** бўйича таклифларни киритсин.

15. **Ижтимоий ривожланиш соҳасида:**

2020 йил охирига қадар 6 ёшли болаларни мактабга тайёрлаш тизимини жорий этган ҳолда, мактабгача таълим билан **қамраб олиш даражасининг 60 фоизга етказилиши таъминлансин;**

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларининг юкламаси мақбуллаштирилсин, шунингдек, олий таълим муассасаларида **асосий мутахассисликка алоқаси бўлмаган фанлар сони икки бараварга қисқартирилсин;**

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиш бўйича **давлат буюртмаси параметрлари босқичма-босқич икки бараварга оширилсин;**

2020 йилда камида **5 та олий таълим муассасаси**ни конкурс асосида танлаб, нуфузли хорижий олий таълим даргоҳлари билан ҳамкорликда уларни трансформация қилиш чоралари кўрилсин;

2020 йилда **математика, кимё-биология, геология** каби йўналишларда фундаментал ва амалий тадқиқотлар фаоллаштирилиб, олимларга барча шарт-шароитларни яратиш чоралари кўрилсин;

2020 йил 1 сентябрга қадар илм-фаннинг ишлаб чиқариш билан фаол интеграциялашувини таъминлаш мақсадида фундаментал ва инновацион тадқиқотлар учун **мақсадли грант маблағларини ажратиш** механизми тубдан қайта кўриб чиқилсин;

2020 йилда **мажбурий тиббий суғурта тизимини** жорий этишга тайёргарлик ишлари якунига етказилсин ва келгуси йилда ушбу тизим тажриба тариқасида **Сирдарё вилоятида** ишга туширилсин;

2020 йилда давлат тиббиёт ташкилотлари ва аҳолини дори воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан таъминланиши ўтган йилга нисбатан **1,3 бараварга** кўпайтирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу йўналишда белгиланган вазифаларнинг ўз вақтида бажарилишини, шу жумладан, **Уй-жой кодексининг янги таҳрири, Экология кодекси лойиҳаси, «Сув таъминоти ва оқова хизматлар





тўғрисида»**ги ва **«Кинематография тўғрисида»**ги қонун лойиҳалари, **Аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш давлат дастури, Китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш миллий дастури, Илм-фан соҳасини ривожлантириш, Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, Ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимини ривожлантириш концепциялари, Қурилиш соҳасини ривожлантириш стратегияси** ишлаб чиқилишини таъминлаш топширилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда Ёшлар таълими ва аёллар бандлиги бўйича «Беш ташаббус» лойиҳаси доирасида 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб алоҳида умумтаълим муассасаларида **болаларни мактаб фанларига электрон ўқитиш бўйича**, шу жумладан, электрон синф журнали, ўқувчилар кундаликларини рақамлаштириш ва электрон материаллар кутубхонасини (дарсликлар, видео дарслар, виртуал лабораториялар ва бошқалар) ўз ичига олган тажриба тариқасида **ахборот тизимларини қоғоз ҳужжатларни бекор қилган ҳолда жорий этсин.**

17. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда экспертлар, шу жумладан, хорижий экспертлар иштирокида маълумотлар ҳақидаги фан, улкан маълумотлар, сунъий интеллект каби йўналишларда кадрлар тайёрлашни назарда тутган ҳолда, **ахборот-коммуникация технологиялари ва рақамли иқтисодиёт соҳасидаги ўқув дастурлари** қайта кўриб чиқилишини таъминласин.

18. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб республика олий таълим муассасалари талабаларига ўқув йили давомида **тенг улушларда камида тўрт маротаба ўқиш учун тўловларни амалга ошириш имконияти тақдим этилишини таъминласин.**

19. 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети, Тошкент давлат юридик университети ва Тошкент давлат педагогика университетида тажриба тариқасида босқичма-босқич **масофавий ўқитиш шакли жорий этилсин.**

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги **2020 йил 1 августга** қадар масофавий ўқитиш шаклини амалга ошириш тартибини белгилаш, дастурий-аппарат комплексини яратиш, тегишли олий таълим муассасаларининг ўқув жараёнига масофавий ўқитиш платформасини жорий этиш ва ўрнатилган тартибда зарур бўлган ускуналар билан жиҳозлашни таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси **2021 йил 1 январга қадар** тажриба натижаларини инобатга олган ҳолда олий таълим тизимига масофавий ўқитиш шаклини жорий этиш тўғрисидаги таклифларни ўқитишнинг ушбу шаклини амалга киритишнинг олий таълим муассасалари ва таълим йўналишлари кесимидаги графиги билан биргаликда киритсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31 октябрдаги ПҚ-4502-сон қарорига асосан **2020 йил 1 январдан кейинги давр учун** пенсияни ҳисоблашда меҳнат стажини тасдиқлаш ва иш ҳақи миқдорини белгилаш **«Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплексида мавжуд маълумотлар асосида амалга оширилиши** маълумот учун қабул қилинсин.

Шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ пенсияни ҳисоблаш учун **меҳнат стажини тасдиқлаш ва иш ҳақи миқдорини белгилашда архив маълумотларини тақдим этмасдан:**

**2005–2016 йиллар даври учун** жамғарилиб бориладиган пенсия тизимига мажбурий бадаллар тўғрисидаги маълумотлардан;

**2016–2018 йиллар даври учун** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига ўтказилган суғурта бадалларини якка тартибда ҳисобга олишнинг марказлаштирилган электрон реестри маълумотларидан;

**2019 йил учун** фуқаролар иш ҳақининг якка тартибдаги ҳисобини юритишнинг марказлаштирилган электрон реестри маълумотларидан фойдаланилади.

Ушбу бандда кўрсатилган даврлар учун **архив маълумотларидан фақат тизимларда зарур маълумотлар мавжуд бўлмаганда ёки фуқаронинг мурожаати асосида фойдаланилади.** Фуқаро томонидан тақдим этилган ҳужжатларни текшириш ҳамда қўшимча архив маълумотларини талаб қилиб олиш зарурати бўлганда, **фуқарога пенсия минимал миқдор бўйича сиртдан расмийлаштирилади ва кейинчалик қайта ҳисоб-китоб қилинади.**

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Молия вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда **уч ой муддатда:**

«Ягона миллий меҳнат тизими» идоралараро дастурий-аппарат комплекси орқали 2020 йил 1 январгача бўлган давр учун зарур **маълумотларни ягона тизим орқали йиғиш мақсадида манфаатдор идораларнинг тизим ва маълумотлар базалари билан интеграция қилиниши,** шунингдек, ушбу тизим тўлиқ ишлашини таъминлаш учун маълумотларни рақамлаштириш чораларини кўрсин;

фуқаролар учун уларга тайинланган пенсия тўловлари тўғрисидаги тегишли маълумотлар билан танишиш, шу жумладан, **автоматик ҳисоблаш имкониятини яратишни инобатга олган ҳолда пенсия тайинлаш ва тўлаш тартибини такомиллаштириш** бўйича таклифларни киритсин.

21. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги билан биргаликда, шунингдек, фуқароларнинг мурожаатлари ва иқтисодиётни рақамлаштириш бўйича вазифаларни ҳисобга олган ҳолда **икки ой муддатда** ўзини ўзи банд қилаётган фуқароларга **вақтинчалик меҳнат гувоҳномалари бериладиган фаолият турлари** (хизматлар, ишлар) рўйхатини қайта кўриб чиқиш, мазкур жараёнларни рақамлаштириш, **«фрилансинг» (масофадан туриб ишлаш) имкониятларини оммалаштириш** бўйича «йўл харитаси»нинг киритилишини таъминласин.

22. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ҳамда Ахборот



# МОЛ-МУЛК ТАННАРХИГА КИРИТИЛАДИГАН ЧЕГИРИЛМАЙДИГАН ХАРАЖАТЛАР

***Янги таҳрирдаги Солиқ кодексини ўрганиш жараёнида 317-моддаанинг 20 ва 21-бандлари бўйича саволлар юзага келди. Ушбу бандларни мисолларда тушунтириб берсангиз.***

– Фойда солиғи бўйича солиқ базасини аниқлашда чегириб ташланмайдиган харажатлар жумласига қуйидагилар киради:

- сотиб олишга, ишлаб чиқаришга, қурилишга, монтаж қилишга, ўрнатишга доир ва амортизация қилинадиган активларнинг қийматига қўшиладиган бошқа харажатлар, шу жумладан қўшимча қуриш, қўшимча жиҳозлаш, реконструкция қилиш, модернизация қилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳолларида амалга ошириладиган, амортизация чегирмалари воситасидаги харажатлар жумласига киритиладиган харажатлар;
- солиқ тўловчининг амортизация қилинмайдиган мол-мулкнинг бошланғич қийматига бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ киритиладиган харажатлари *(СК 317-м. 20, 21-м.)*.

Сотиб олиш, ишлаб чиқариш, қуриш, монтаж қилиш, ўрнатиш ва амортизацияланадиган активларнинг қийматига киритиладиган бошқа харажатлар 5-сон БҲМС «Асосий воситалар»га *(АВ томонидан 20.01.2004 йилда 1299-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* мувофиқ аниқланади.

Асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисобига қабул қилинган бошланғич қийматини ўзгартиришга тегишли асосий воситалар **қуриб битказилган, қўшимча жиҳозланган, реконструкция қилинган, замонавийлаштирилган, техник қайта қуролланитирилган**, қисман тугатилган ва улар қайта баҳоланган ҳолатларда йўл қўйилади *(5-сон БҲМСнинг 21-банди)*.

Амортизацияланмайдиган мол-мулкнинг таннархига (бошланғич қийматига) киритиладиган харажатлар, қоидага кўра, амортизацияланмайдиган ТМЗ ва асосий воситаларни харид қилишга доир харажатлардир *(СК 306-м. 2-қ.; 5-сон БҲМСнинг 35-банди)*. Мол-мулкнинг таннархига (бошланғич қийматига) киритиладиган харажатлар 4-сон БҲМС «Товар-моддий захиралар»да *(АВ томонидан 17.07.2006 йилда 1595-сон билан рўйхатдан ўтказилган)* белгиланган.

Нега Солиқ кодексида бундай харажатлар чегирилмайдиган харажатлар деб белгиланган?

Солиқ тўловчининг олган фойдаси фойда солиғи бўйича солиқ солиш объекти ҳисобланади. **Жами даромад ва харажатлар ўртасидаги фарқ** юридик шахснинг фойдаси ҳисобланади *(СК 295-м.)*:

***жами даромад – чегириладиган харажатлар = солиқ солинадиган фойда.***

Мол-мулк қийматига киритиладиган харажатлар улар амалга ошириладиган пайтда чегириладиган харажатлар деб эътироф этилмайди, бироқ СК 305-моддасида белгиланган чегириш мезонларига риоя этган ҳолда кейинчалик мол-мулк бўйича амортизация ажратмалари воситасида чегириб борилади ёки мол-мулкни (ТМЗ ва амортизацияланмайдиган АВни) ҳисобдан чиқариш чоғида бирйўла чегирилади.

РЕКЛАМА

NORMA

«КИЧИК КОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»

ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1.
Тел. (71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz,
web: www.norma.uz

# ТЕКИНГА ОЛДИНГИЗМИ – СОЛИҚНИ ТЎЛАНГ

***Жисмоний шахс ўзи ягона муассиси ҳисобланган ташкилотнинг нотурар жой биносини шартнома бўйича текин фойдаланишга берaяпти. Ташкилот умумбелгиланган солиқларни тўлайди. Ушбу битимда МЧЖда ва муассис ҳисобланган жисмоний шахсда қандай солиқ мажбуриятлари юзага келиши мумкин?***

– Кўчмас мулкни текин асосда олаётган ташкилотда **фойда солиғи** солиш мақсадларида жами даромад таркибига бозор қийматидан келиб чиққан ҳолда аниқланган текин фойдаланишдан олинган даромад суммаси киритилади *(СК 299-м.)*.

Томонларда бошқа солиқ оқибатлари юзага келмайди.



# БИНОДАН ТЕКИН ФОЙДАЛАНИШ

***Юридик шахс нотурар жойнинг бир қисмини бошқа юридик шахсга омбор учун текин фойдаланишга бермоқчи. Иккала томон ҳам умумбелгиланган солиқларни тўлайди. Бинони текин фойдаланишга беришда иккала томонда қандай солиқ оқибатлари юзага келиши мумкин?***

### Фойда солиғи бўйича

Бинони текин фойдаланишга бераётган томонда ушбу мол-мулк билан боғлиқ харажатлар (масалан, амортизация, техник хизмат кўрсатиш ва бошқалар) чегирилмайдиган харажатлар ҳисобланади, сабаби улар даромад олишга тааллуқли эмас *(СК 305-м.)*.

Олувчи томонда солиқ солиш мақсадларида бозор қийматидан келиб чиққан ҳолда текин фойдаланишдан олинган даромад суммаси жами даромад таркибига киритилади *(СК 299-м.)*.

### ҚҚС бўйича

Текин фойдаланишга бераётган томонда мол-мулк ҚҚС солиш мақсадларида хизматларни реализация қилиш бўйича айланма деб эътироф этилади, бундан шундай хизматларни кўрсатиш **иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайдиган** ҳоллар мустасно *(СК 239-м.)*.

Бепул хизматлар кўрсатиш қуйидаги шартлардан ҳеч бўлмаганда бирига риоя этилганда иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайди деб эътироф этилади:

1) даромад олишга қаратилган фаолиятни юритиш мақсадида амалга оширилган бўлса;

2) шундай тадбиркорлик фаолиятини сақлаш ёки ривожлантириш учун зарур бўлса ва харажатларнинг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқлиги асослантирилган бўлса;

3) қонун ҳужжатларининг қоидаларидан келиб чиқса.

Мазкур ҳолатда солиқ базаси товарларнинг (хизматларнинг) Давлат солиқ қўмитаси томонидан белгиланган тартибга мувофиқ аниқланадиган бозор қийматидан келиб чиққан ҳолда аниқланади *(СК 248-м. 3-қ.)*. Айни пайтда бозор қийматини аниқлаш тартиби тасдиқланмаган.

Мол-мулкни бепул фойдаланишга олувчи томон ушбу операция бўйича берувчи томонда ҳисобланган ҚҚСни ҳисобга олмайди *(СК 267-м. 6-б.)*.

*Замира ЖЎРАЕВА, «Norma» МЧЖ эксперти.*

# ҚҚС: ХИЗМАТЛАР ИМПОРТИДА ҲИСОБГА ОЛИШ

***2020 йил мартда норезидентдан хизматлар кўрсатилиши кутилмоқда. Хизматлар ҳақини, шунингдек норезидент учун ҚҚСни 2020 йил апрелда тўлашни режалаштиряпмиз.***

***Тўлов кейинроқ амалга оширилган бўлса, норезидент учун тўланган ҚҚС тўлов тўланганлиги факти ёки инвойс бўйича ҳисобга олинадими?***

– Корхона ЎзР норезидентидан реализация қилиш жойи Ўзбекистон ҳудуди деб эътироф этилган хизматларни олаётганлиги учун солиқ агенти сифатида солиқ тўловчидан олинадиган тегишли ҚҚС суммасини ҳисоблаб чиқариши, уни ушлаб қолиши ва бюджетга ўтказиши шарт. Солиқ тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжати тўланган солиқ суммасини ҳисобга киритиш ҳуқуқини беради *(СК 255-м. 6, 9-қ., 266-м. 1-қ. 4-б.).*

Бинобарин, **корхонада хизматларни импорт қилишда ҚҚСни ҳисобга олиш ҳуқуқи ҚҚС бюджетга тўланганидан кейин**, яъни апрелда **вужудга келади.**



# ҚҚСни ҲИСОБГА ОЛИШ ҲУҚУҚИ

***Улгуржи-чакана савдо корхонаси умумбелгиланган солиқларни тўлайди. Жами айланмага ҚҚС солинади. ҚҚСдан озод этилган айланма мавжуд эмас.***

***Компания ходимлари фақат хизмат мақсадларида корпоратив мобиль алоқадан (савдо агентлари), Интернетдан (маъмурий-бошқарув ходимлари), шаҳар телефонидан фойдаланадилар. Шунингдек товарларни сақлаш учун омборлар ва савдо шохобчалари учун бинолар (савдо фаолиятида фойдаланиладиган, 9410-счёт) ижарага олинади. Ушбу хизматларни етказиб берувчиларнинг барчаси ҚҚС тўловчилар ҳисобланади.***

***Корхонанинг солиқ солинадиган айланмаси 100% бўлганда, у ҚҚС билан харид қилинган фақат хизмат мақсадлари учун фойдаланиладиган, харажатлари эса давр харажатларига (9400-счёт) киритиладиган хизматлар бўйича ҚҚСни ҳисобга олиши мумкинми?***

**– Ҳа, ушбу ҳолатда харид қилинган хизматлар**, хусусан: корпоратив мобиль алоқа, Интернет, шаҳар телефон алоқаси, товарларни сақлаш учун омборларни ва савдо шохобчалари учун биноларни ижара олиш бўйича хизматларга **ҚҚС тўловчилар томонидан ҳисобварақ-фактуралар ёзиб берилган бўлса, корхона улар бўйича тўланган ҚҚС суммасини тўлиқлигича ҳисобга олиши мумкин.**

Бюджетга тўланиши лозим бўлган ҚҚС суммасини аниқлашда, солиқ тўловчи қуйидаги шартларни бир вақтда бажарган тақдирда, ҳақиқатда олинган товарлар (хизматлар) бўйича тўланган солиқ суммасини ҳисобга олиш орқали солиқнинг умумий суммасини камайтиришга ҳақли бўлади *(СК 266-м.):*

1) товарлардан (хизматлардан) солиқ тўловчининг реализация қилиш бўйича айланмасига солиқ солиниши лозим бўлган товарларни ишлаб чиқариш ва (ёки) реализация қилиш (хизмат кўрсатиш) билан боғлиқ фаолиятида фойдаланилганда;

1) солиқ тўловчининг товарларни ишлаб чиқариш ва (ёки) реализация қилиш (хизмат кўрсатиш) билан **боғлиқ** фаолиятини амалга ошириш чоғида товарлардан (хизматлардан) фойдаланилганда реализация қилиш бўйича айланмасига солиқ солиниши лозим бўлганда;

2) олинган товарларга (хизматларга) солиқ тўловчи томонидан ҳисобварақ-фактура ёки етказиб берувчи томонидан тақдим этилган солиқ суммаси алоҳида ажратиб кўрсатилган бошқа ҳужжат олинганда ҳамда товарларни (хизматларни) етказиб берувчи солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтказилганда.

Маъмурий ҳамда бошқа мақсадларда фойдаланиладиган товарлар (хизматлар) эса товарларни реализация қилиш (хизматлар кўрсатиш) билан боғлиқдир.

Ҳисобга олинмайдиган ҚҚС суммалари СКнинг 267-моддасида белгиланган. Ушбу рўйхатда солиқ тўловчининг бухгалтерия ҳисоби счётлари бўйича харажатларини ҳисобга киритиш мезонлари белгиланмаган. Ҳисобга олишнинг асосий мезони ҚҚС солишдан озод этилмаган фаолиятни амалга ошириш учун товарлар (хизматлар) дан фойдаланиш ҳисобланади.

ҚҚС бўйича имтиёзлар мавжуд бўлганда, СК 268-269-моддаларида белгиланган нормалар қўлланилади.



# ҚҚС БЎЙИЧА СОЛИҚ БАЗАСИ = ШАРТНОМА БЎЙИЧА НАРХ

***Юридик шахс жисмоний шахсга илгари фойдаланилган «Damas» автомобилини сотишга қарор қилди. Баҳолаш компанияси уни баҳолади. Кузатув кенгаши томонидан баҳоловчи компания белгилаган миқдордаги автомобилни реализация қилиш нархи тасдиқланди.***

***Юридик шахс жисмоний шахсга автомобилни сотиш чоғида унинг қолдиқ қиймати реализация қилиш нархидан юқори бўлса, реализация қийматидан ҚҚС тўланадими?***

**– Йўқ, қолдиқ қиймати реализация қилиш қийматидан юқори бўлишига қарамай, ҚҚС реализация қилиш қийматидан тўланади.**

ҚҚС солиқ базаси акциз солиғини (акциз тўланадиган товарлар, хизматлар учун) ҳисобга олиб, унга ҚҚСни киритмаган ҳолда, битим тарафлари томонидан қўлланилган нархдан (тарифдан) келиб чиққан ҳолда реализация қилинадиган товарларнинг қиймати сифатида аниқланади *(СК 248-м. 1-қ.).*

***Ўзбекистон Республикаси резиденти ҳисобланган корхона (умумбелгиланган солиқларни тўловчи) норезидентга хорижий ҳамкорнинг фармацевтика воситаларини Ўзбекистоннинг ваколатли органларида рўйхатдан ўтказиш хизматларини кўрсатади, ушбу воситалар бўйича Ўзбекистоннинг амалдаги стандартларига мувофиқ норматив ҳужжатларни тайёрлаш ва таржима қилиш ҳам хизматлар жумласига киради. Хизматлар харидори – ЎзР норезиденти – Кипр фармацевтика компанияси ЎзР ҳудудида фаолият юритмайди ва бу ерда жойлашмаган.***

***Бундай хизматлар кўрсатиш бўйича айланмага ҚҚС солинадими?***

# НОРЕЗИДЕНТ УЧУН ХИЗМАТЛАР БЎЙИЧА ҚҚС

– Ҳа, бевосита **кўчар мулк** ҳисобланган фармацевтика воситалари **билан боғлиқ хизматлар ҳақиқатда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кўрсатиладиган бўлса**, ҚҚС солиш мақсадида реализация қилиш жойи ЎзР ҳисобланади *(СК 241-м. 3-қ. 2-б).*

# РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШДА ҚҚС БЎЙИЧА ИМТИЁЗЛАР

***Хитойдан ускуна импорт қиламиз. Импорт қилиш чоғида ҚҚС бўйича имтиёздан фойдаланамиз (АВ томонидан 20.03.2013 йилда 2436-сон билан рўйхатдан ўтказилган). Тегишинча, божхонада ҚҚС тўламаганмиз. Таннархни шакллантириб, маҳсулотларни Ўзбекистон ҳудудида харидорларга реализация қиламиз.***

***Корхона олиб киришда ҚҚС бўйича имтиёз тақдим этилган ускунада тайёрланган маҳсулотларни ҚҚС билан реализация қилиши лозимми? Товарлар импорт қилиш чоғида ҚҚСсиз божхонадан ўтказилган бўлса, уларни ҚҚС билан сотиш керакми?***

– Импорт қилиш чоғида ҚҚС тўлашдан озод этилган товарлар, шунингдек импорт қилишда божхонада ҚҚСсиз расмийлаштирилган ускунада ишлаб чиқарилган маҳсулотларни реализация қилишни белгилаш учун ушбу товарлар ва маҳсулотлар ҚҚСдан озод этилган айланмаларга кириш-кирмаслигини аниқлаштириб олиш лозим.

Реализация қилишда ҚҚС тўлашдан озод этилган товарлар (хизматлар) СКнинг 243-246-моддаларида ва бошқа норматив ҳужжатларда санаб ўтилган. Ушбу ҳужжатларда маҳсулотингиз ва товарларингиз келтирилмаган бўлса, импорт қилиш чоғида ҚҚС бўйича имтиёзлар қўлланилган-қўлланилмаганлигидан қатъи назар, уларни **ҚҚС билан** реализация қилишингиз шарт.

*Замира ЖЎРАЕВА, «Norma» МЧЖ эксперти.*